

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**2019**



**ЎЗБЕК ФOLКЛОРШУНОСЛИГИНИНГ  
МУАММОЛАРИ**

Тингловчилар учун ўқув-услубий мажмуа

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**  
Тармоқ маркази директори  
\_\_\_\_\_ Н.М.Эгамбердиева  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2019 йил

**“ЎЗБЕК ФОЛКЛОРШУНОСЛИГИНИНГ  
МУАММОЛАРИ”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Малака ошириш курси йўналиши: Ўзбек тили филологияси: ўзбек  
адабиётшунослиги**  
**Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасаларининг  
профессор-ўқитувчилари**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

**Турдимов Ш.Г.,**  
ТошДЎТАУ “Фолклоршунослик  
ва диалектология” кафедраси  
мудири, филол.ф.д.

**Такризчи:**

**Каримов Б.**  
ТошДЎТАУ, “Адабиётшунослик  
назарияси ва замонавий адабий  
жараён” кафедраси мудири,  
профессор, филол.ф.д.

*Ўқув-услубий мажмуа Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ  
Кенгашининг 2019 йил 28-августдаги 1-сонли қарори билан нашрга  
тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>8</b>
<b>III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР..</b>	
Ошибка! Закладка не определена. <b>22</b>	
<b>V.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....</b>	<b>60</b>
<b>VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>61</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>66</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>74</b>

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

### Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Ўзбек фольклоршунослиги қарийб юз йиллик тарихда ўзбек фольклори намуналарини йиғиш, архивлаштириш, оммавий ва илмий нашрларни амалга ошириш, илмий тадқиқотлар яратиш каби кенг кўламли ишларни олиб бормоқда. Бу давр мобайнида тўртинчи авлод фольклоршунослари етишиб чиқмоқда. Ўзбек фольклоршунослиги фан сифатида эришган натижаларини даврлараро ўрганиш бу фanning тараққиёт тамойилларини аниқлаш, тегишли хулосаларга келиш имконини яратади.

Ўқув модулининг вазифалари:

- ўзбек фольклоршунослигининг тараққиёт босқичларини аниқлаш;
- фольклор асарларини ёзиб олиш, сақлаш, нашр этиш тажрбаларини илмий баҳолаш;
- эпик мерос намуналари тадқиқ этилган ишлардаги назарий қарашлар тадрижини ўрганиш;
- маросим фольклори намуналарига эътибор ва илмий ёндошувнинг шаклланиши, ютуқларини баҳолаш;
- халқ лирикасида матн семантикаси таҳлили, янги қарашларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши масалалари таҳлили;
- ўзбек мифологияси ва мифологик образлар тадқиқи, замонавий метод ва методологияларнинг кириб келиши;
- ўрганиб чиқилган соҳалар асосида ўзбек фольклорининг тараққиёт тамойилларини белгилаш, улар асосида илмий-назарий хулоса ва ечимларга келиш.

## **Курс бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар**

“Ўзбек фольклоршунослигининг янгилашиш тамойиллари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчи:

- мустақиллик даври ўзбек халқ оғзаки ижодининг долзарб муаммоларини:

- халқ дostonларини ўрганишда янгича ёндашувлар ва уларнинг моҳияти:

- ўзбек фольклоршунослигининг тараққиёт босқичлари; фольклор асарларининг ёзиб олиниши, архив, илмий ва оммавий нашр тажрибаларини; эпик мерос, маросим фольклори, халқ лирикасига бағишланган тадқиқотларнинг илмий янгилигини; ўзбек мифологияси ва мифологик образлар тизимини; ўзбек фольклоршунослигида қўлланилаётган замонавий метод ва методологияларни *билиши керак*.

- этнофольклористик ва фольклор асарларини таҳлил қилиш асосида илмий-назарий хулосалар чиқариш:

- фольклор матнлари нашрида оригиналга содиқ қолиш; чоп этилаётган матннинг илмий изоҳлар билан таъминланган бўлишига диққат қаратиш; шевага хос сўзларни адабий тилда муқобил изоҳлаш; этнофольклористика, этноархиология ва фольклор асарлари таҳлилидан адабий-назарий хулосалар чиқариш; илмий фикрларни муайян тизим асосида ифодалаш; илмий таҳлил ва талқинда замонавий методологияни қўллай билиш *кўникмаларига* эга бўлиши керак.

- дostonчилик мактабларини қиёслай олиш:

- қаҳрамонлик, романик, китобий дostonлар таҳлилида асар бадииятини асос сифатида олиш; фольклор асарлари тили – рамз ва тимсоллар маъноси, шу асосда келиб чиқувчи семантик сатҳни очиш; мифологик образларнинг фольклор асарлари тақибдаги бадиий вазифасини аниқлаш *малакаларини* эгаллаши зарур.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Ўзбек фольклоршунослигининг янгилашиш тамойиллари” модули маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ўзбек фольклоршунослигининг тараққиёт тамойиллари” модули ўқув режасидаги филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар, филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил, мумтоз поэтик асарлар таҳлилида замонавий усуллар, замонавий адабиётшуносликнинг назрайий-методологик асослари ўқув модуллари билан боғлиқликда ва узвийликда олиб борилади.

## Модулнинг андрагогик таълимдаги ўрни

Ушбу модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ўзбек фольклоршунослигидаги янги ёндашувлар, илмий изланишларнинг натижаларини ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Ўқув юкلامаси (соат)		
			Аудитория ўқув юкلامаси		
			жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот	Қўчма машғулот
1.	Фолклор маънавият негизи. Мустақиллик даври фольклоршунослиги	2	2		
2.	Фольклор асарлари нашри: оммавий ва илмий нашрлари	2		2	
3.	Халқ достонлари ва эртаклари тадқиқининг янги тамойиллари	2		2	
4.	“Алпомиш” достони вариантлари ва бадиияти	2		2	
5.	Лирик қўшиқлар талқини.	2		2	
6.	Халқ мақоллари, топишмоқлар ва чалдирмоқ жанри.	2		2	
Жами:		<b>12</b>	<b>2</b>	<b>10</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Фолклор маънавият негизи. Мустақиллик даври фольклоршунослиги**

Фольклорнинг халқ маънавий ҳаётидаги ўрни. Мустақиллик даврида фольклорий меросга янгича муносабат. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисидаги” Фармонининг фольклоршунослик фани ривожигаги ўрни. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Наврўз байрами ва “Алпомиш” достони ҳақидаги қарорларининг илмий ва амалий аҳамияти.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-машғулот. Фольклор асарлари нашри: оммавий ва илмий нашрлари**

Илк нашрларнинг амалий, маърифий хизмати. Фольклор асарларини нашр этиш мезонлари ва унинг амалга ошиш жараёни. “Халқ оғзаки ижоди” нашри ва унинг илмий аҳамияти. “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлиги тажрибалари.

### **2-машғулот. Халқ достонлари ва эртақлари тадқиқининг янги тамойиллари**

Халқ достонларида поэтик рамз ва тимсолларнинг бадиий матнтаркибидаги ўрни. Халқ достонлари ва эртақларида етакчи образлар, ғоявий-бадиий талқинларининг янги типдаги баҳолари. Эпос ва эртақларда сюжет типлари, етакчи мотивларнинг ўрганилиши. Бахши, достон ижроси, достончилик мактаблари, эртақчи ва эртақчиликка берилган баҳолар.

### **3-машғулот. “Алпомиш” достони вариантлари ва бадиияти**

Қаҳрамонлик достонларининг белгилари. Алпик тизими қаҳрамонлик достонлари учун мезон. “Алпомиш” қаҳрамонлик достонининг мумтоз намунаси. Қаҳрамонлик достонида этнос ва эпос муамоси.

### **4-машғулот. Лирик қўшиқлар талқини.**

Қўшиқ – лирик жанр. Лирик қўшиқларининг бадиий хусусиятлари. Тарихий қўшиқлар. Лирика қўшиқлар ҳам фольклорнинг барча жанрларига тегишли бўлган оғзакилик, жамоавийлик, анъанавийлик, вариантлик қонуниятлари асосида ривожланиши.



### 5-машғулот. Халқ мақоллари, топишмоқлар ва чалдирмоқ жанри.

Мақол – оғзаки ижоднинг энг фаол жанри. Мақолларда ўз ва кўчма маъно. Топишмоқларнинг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Чалдирмоқ жанрининг ўзига хос хусусиятлари

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, химоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза

машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “стади” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921-йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув «Фан»ларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

### “ФСМУ” методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда

тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

#### **“Блитс-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради. **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу

жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан “якка баҳо” бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1” балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

#### 1-мавзу: Фолклор маънавият негизи. Мустақиллик даври фольклоршунослиги

##### *Режа:*

- 1. Фолклорнинг халқ маънавий ҳаёти, ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни.*
- 2. Мустақиллик даври фольклоршунослигида амалга оширилган ишларнинг назарий ва амалий аҳамияти..*
- 3. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ИюАюКаримовнинг 2016 йил 13 майдаги “ Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонинг фольклоршунослик фани тивожига. Ўқув-амалий жапаёндаги мисилсиз аҳамияти.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *фолклоршунослик, тармоқ, маросим фолклори, метод, методология, фолклор назарияси, таркиб, тизим, “Алпомиш” достони диалектология, Наврўз, постфолклор, томоша санъати, халқ сайллари*

##### **1. Фолклорнинг халқ маънавий ҳаёти, ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни.**

Халқ оғзаки ижоди намуналари маънавий қадриятлар тизимининг асосларидан бўлиб, халқимизнинг узоқ асрлик ўтмиш тарихи, яшаш тарзи, урф-одатлари, ахлоқий қарашлари, тафаккури, оламни бадий-естетик идрок этишнинг ўзига хос шакли сифатида беқиёс кадр-қимматга эга. Фолклор асарлари мағзидаги ҳикмат ҳар бир даврда янгидан англанади, замон талабларига мос талқин топади, халқнинг маънан бойишига хизмат қилади. Халқимизнинг мустақиллика эришгани ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгалаши тарихий воқеа сифатида фолклоршунослик соҳасининг ҳам янги босқичга чиқишига имкон яратди. Мазкур мавзу ўқитилишида фолклоршунослик соҳадаги илмий-назарий, амалий муаммоларга алоҳида урғу берилади. Бошқа «Фан»лар билан алоқадорлигини таъкидлаш, мисоллар келтириш ва давр билан боғлаш мавзунинг долзарблигини англатади.

##### **2. Мустақиллик даври фолклоршунослигида амалга оширилган ишларнинг назарий ва амалий аҳамияти.**

Халқимизнинг мустақиллика эришгани ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгалаши тарихий воқеа сифатида фолклоршунослик

соҳасининг ҳам янги босқичга чиқишига имкон яратди. Ўзбек фольклоршунослигининг бу борадаги ютуқларини қуйидаги тарзда умумлаштириб санаш мумкин. Ўзбек фольклоршунослиги тарихини истиқлол мафқупаси, миллий, маданий, адабий ва маънавий қадриятлап сатҳида тадқиқ этиш ушбу тадқиқотнинг асосий объекти ҳисобланади. Расман юз йилга яқин тарихга эга ўзбек фольклоршунослигининг илдизлар анча қадимга бориб боғланади. Хусусан, қадимий ашёлар, архиологик ёдгорликлар, сурат ва чизмаларда акс этган фольклористик тасаввурлар, оғзаки етиб келган халқ ижоди асарларидаги ижоди намуналарига нисбатан фольклорий-эстетик муносабатлар, бундан минг йил мукқадам яшаб ўтган Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асаридан ўрин олган турли фольклор асарлари, мумтоз адабиётимиз намаёндаларининг фольклористик қарашлари, уларнинг асарларида келган фольклор намуналари халқ оғзаки ижоди тўғрисида илк тасаввурларни, бадиий-эстетик муносабатларни шакллантиради. XIX асрнинг охири ва XX аср аввалида фольклор асарларини ёзиб олишга киришилиши, ўтган асрнинг 20-50-йилларида янги фольклоршуносликнинг шаклланиши, фольклор архивининг таркиб топиши, 50-80-йилларда фольклоршуносликнинг тараққиёт босқичга ўтиши, оммавий ва илмий нашларнинг йўлга қўйилиши, турли йўналишдаги тадқиқотларнинг яратилиши фольклоршуносликнинг ўзига хос тарихини белгилаб беради. Лекин айрим мақолалар соқит этилса, ўзбек фольклоршунослигининг «Фан» сифатида пайдо бўлиб, шаклланиб ўз тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги жиддий тадқиқ этилмаганлигини қайд этиш лозим. Айни тадқиқот «Фан»нинг ана шу кемтик ўринларини тўлдиришга – ўзбек фольклоршунослигининг илмий тарихини яратишга қўйилган биринчи жиддий қадам ҳисобланади.

Илмий лойиҳанинг дастлабки йили ана шу улкан соҳанинг қуйидаги йўналишларини тадқиқ этиш асосий мақсад қилиб олинди:

Ўзбек фольклоршунослигининг пайдо бўлиши, тараққиёт босқичлари, фольклор асарларининг ёзиб олиниши, фольклор архивининг ташкил этилиши ва бугунги ҳолати, фольклор асарлари нашрлари бу йўналишларда таянч тадқиқ усуллари, методологик асослари ва методлари, ўзбек фольклоршунослик мактабига тамал тошини қўйган, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшган олимлар фаолиятини ўрганилди.

Айни лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2010-2020-йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан амалга оширилди. Ушбу тадқиқот “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га узвий алоқадор бўлиб, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим

тизимини янгилаш, уларга мўлжалланган сифат жиҳатдан янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда асосий манба вазифасини ўтайди. Олий ўқув юртларида “Фолклоршунослик асослари» ва «Фолклор назарияси” курсларининг ўқитилиши ҳам бундай тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда илмий-амалий аҳамиятини яққол кўрсатади.

Лойиҳанинг 2015-йилда бажарилиши режалаштирилган “Ўзбек фолклори намуналарининг ёзиб олиниши ва нашрлари” деб номланувчи бобида мавжуд фактик материаллар тўпланалиб, фолклор асарларининг илмий асосда ёзиб олиниши, ўзбек фолклор архивининг ташкил топиши, унда сақланувчи намуналар тавсифи, илмий ва оммавий нашрларнинг мезонлари тарихи ёритилди.

Ижтимоий-гуманитар соҳалар «Фан» йўналишлари тарихини илмий асосда ўрганиш ушбу соҳалар тажрибалари, ютуқларини аниқлаш, истиқболли мавзуларни белгилаш имконини беради. Тадқиқотнинг ушбу қисмида фолклори намуналарини мунтазам илмий асосларда ёзиб олиш жараёнлари, ўзбек фолклор архивининг тарихи, фаолияти хронологик тартибда, изчиллик билан ўрганилди. Фолклор намуналарининг оммавий нашрлари, бу йўналишдаги тажрибалар, илмий (академик) нашргача бўлган босқичлар, фолклор асарларини нашр этиш принциплари тадқиқ этилди. Ўзбек фолклорини тадқиқ этишдаги асосий йўналишлар, метод ва методологик мезонлар, кенг қамровли илмий-назарий қарашлар таҳлил этилди. Юз йилга яқин тарихга эга ўзбек фолклоршунослиги тарихида муносиб ўрин тутган «Фан» намояндалари Ғози Олим, Отажон Ҳошим, элбек каби олим ва ёзувчиларнинг хизматлари, ўзбек фолклоршунослиги мактабига асос солган Ҳоди Зариф ва унинг сафдошлари Буюк Карим, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия сигари заҳматкаш олимлар, Исо эрназар ўғли, Чори Ҳамро, Фотима каби фолклор йиғувчиларнинг хизматлари ўз илмий баҳосини олди.

Истиқлол шарофати билан дунёқарашимизда, онгимизда рўй берган янгилашни, руҳий яшариш ва маънавий тикланиш жараёни фолклор ёдгорликларини янада кенгроқ кўламда оммалаштириш орқали “мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялаш” (И.Каримов) учун жуда катта имкониятларни юзага келтирди. Бинобарин, халқимизнинг ўзига хос илмий тафаккури тарихини ўзида мужассамлаштирган ўзбек фолклоршунослиги тарихининг яратилиши орқали ёш авлод онгига илмий-бадий кадриятларни янада чуқурроқ сингдириш ҳамда уларни дунё маънавий тамаддунига ўзининг беназир ижодий қудрати билан муносиб ҳисса қўшган ўзбек халқи оғзаки ижодида тараннум этилган эзгу ғоялар руҳида камол топтириш мазкур лойиҳанинг асосий концепсиясини ташкил



этади.

Лойиҳани амалга оширишда ҳозирги замон фолклоршунослигининг тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, матний-текстологик методларидан унумли фойдаланилади. Лойиҳани бажариш давомида анъанавий фолклоршунослик тамойиллари билан бир қаторда археофолклористика, этнофолклористика, этнолингвистика ва лингвофолклористиканинг илмий-назарий концепсиялари асосида иш олиб борилади.

### **3.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2016-йил 13-майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисидаги” фармонининг фолклоршунослик «Фан»и ривож, ўқув-амалий жараёндаги мислсиз аҳамияти.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 13-майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисидаги” фармонида ўзбек тили ва адабиёти, фолклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотлари, буюк аждодларимиз бадиий тафаккурининг бебаҳо ёдгорликларини чуқур тадқиқ этиш ва шу аснода тингловчиларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, мустақил фикрлайдиган ва кенг дунёқарашга эга бўлган маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш асосий вазифаларимиздан бири этиб белгиланган. Фармонда: “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур” деб алоҳида таъкидланган. Ўзбек фолклори ўзбек тилида яратилган, қуйланган ва бугунги кунда ҳам яшаб келмоқда”. Ўзбек фолклорини ўрганиш, тадқиқ этиш ва тингловчиларга етказиш она тилимиз ва маънавий илдизимиз бўлмиш фолклор меросини муносиб баҳолаб, бугунги кун талабларига мос қайта қувватга киритиш имкониятини яратади. Мазкур «Фан» асосларини ўзлаштириш “Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти” эканлиги билан белгиланади. Маълумки, маънавият қадим замонлардан инсон дунёқарашини, хатти-ҳаракатини, жамиятда тутган ўрнини, халққа, ватанга, атрофидаги одамларга бўлган муносабатини бошқарувчи омил ҳисобланади. Маънавий қашшоқ кимса ҳаётда рўй бераётган воқеаларга лоқайд бўлади. Лоқайдлик эса тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келади.

Маънавий қашшоқ одам учун Ватан, халқ, оила каби муқаддас тушунчалар ёт. Шунинг учун кекса авлод, аввало, фарзанднинг маънавий дунёсини шакллантириш чорасини режалаштирган. Фолклор асарлари қадим-қадимда инсоннинг маънавий тарбияси учун хизмат қилиб келган ва бугунги кунда уларнинг бу соҳадаги ўрни янади кенгаймоқда.

Хуллас, халқимиз оғзаки ижодининг давлат мақомида эъзозланишини Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишининг ижобий натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Наврўз байрами ва “Алпомиш” достони ҳақидаги қарорларнинг фолклоршуносликдаги қиммати.**

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида халқимизнинг маънавий қадриятлари қаторида Наврўз байрами ва “Алпомиш” достонига алоҳида баҳо бериб ўтилаган. Мустақилликдан кейин Наврўзнинг умумхалқ байрами сифатида эълон қилиниши, “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигининг нишонланиши ушбу қадриятларнинг асл баҳосини олганлигининг ёрқин мисолидир.

Ўзбек мавсумий маросимларининг бошланиши бевосита Наврўз байрами билан алоқадор. Наврўз янги йил, йилбоши деб ҳам юритилади. Яъни қиш ва ёз (икки қутб)нинг ўзаро курашуви, қиш томоннинг енгилиб, чекиниши натижасида кириб келади, деган дуалистик қараш ушбу маросимда энг таянч тасаввур ҳисобланади. Наврўзни кутиб олиш, тантана қилиш жараёнида ўтувчи барча маросим ҳалқаларида ана шу курашни тасвирлашга, ифодалашга йўналтирилган. Ушбу ўринда Фарғонада ўтувчи Наврўз байрами ҳақидаги хитой манбасидан келтирилган кўчирма муҳим аҳамиятга эга: “Ҳар янги келаётган йилнинг бошида подшо ва дарғалар бош халқ икки гуруҳга бўлинган. Ҳар бир гуруҳ биттадан вакил сайлаб, унга жанг кийимларини кийдириб ўзаро жанг қилдиришган, қолганлар эса рақиб тамонга тошу кесаклар отиб ўз жангчиларига ёрдам бериб туришган. Жанг тамонларнинг бири ҳалок бўлгунича давом қилган. Сўнгра жанг натижаларига қараб янги йилнинг қандай келишини тахмин этилган”.

С.П.Толстов ушбу маросимни ибтидоий халқлар орасида кенг тарқалган икки фратрийнинг маросимий мусобақаси эканлигини ёзар экан, Шарқий Туркистондаги Кучи шаҳрида янги йилни кутишда етти кун давомида ўтувчи кўчқор, от, туя уриштириб йилнинг қандай келишини аниқлаш тантаналари ва Ўрта Осиёдаги улоқ (кўпқари) ҳамда туркманлар орасидаги “кўк бўри” тўй маросимини ҳам ана шу тизимда таҳлил этади.

Биз учун эътиборли жиҳат ушбу ўринда кўпқари (улоқ) ва кўк бўри никоҳ тўйи маросимидаги бўри ва улоқ (ечки) образларидир.

Кўк бўри маросимида улоқ ёки кўзичокни (аслида улоқ варианты тўғри) отда ўнгариб қочаётган келинни куёв ўз жўралари билан таъқиб қилиб, ундан улоқни олиб кўйиши керак (Қозоқлар ўртасидаги қиз қувди маросими ҳам ана шу тизимда туради. Фақат у ўринда улоқ унутилган). Ушбу маросимнинг туб асослари ҳам йил фасллари ўртасидаги қутблар ҳолати, кураши ва бирлигига уланади. Улоқ – кўклам, бўри эса қиш тимсоли. Қиз – улоқ – кўклам, йигит – бўри – қиш яхлит тизимни ташкил этади. Улоқ (кўпқари) ўйинининг қиш вақти ўтказилиш анъанаси ҳам бекор эмас. Бойсун туманининг олис қишлоғида Наврўз куни ижро этилувчи “Тургак” ўйини ҳам бевосита ана шу тасаввурларга боғлиқ.

Наврўз бугунги кунда маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Ушбу байрам ўзининг чинакамига асл баҳосини олиш билан бирга халқимиз кадрловчи, севиб тантана қилувчи халқ байрамига айланди. Наврўзнинг қадимий мазмуни ва шакли эндиликда янада бойиди. Наврўзнинг тимсолларидан бўлмиш Сумалак таоми ҳам ушбу байрамнинг асосий беагига айланди. Эндиликда дунёнинг қайси бир бурчагига борманг ўзбек Наврўзи ўзининг сумалаги билан биргаликда тушунилади, қабул қилинади.

Халқ оғзаки ижодидаги бирон асарнинг ёки луғат бойлигимиздаги сўзнинг қадимийлигини аниқлаш учун уни ёндош халқлар ижодида ёки ўша миллат тилида мавжудлигини ўрганиш яхши натижа беради. Бу жиҳатдан "Алпомиш" достони мазмунига оид асосий воқеалар олтой, татар, бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа туркий халқларда эртақ, ривоят, дoston шаклида мавжуд экани асар ниҳоятда қадим замонларда яратилганини далиллайди. Проф. Тўра Мирзаев дoston вариантлари юзасидан олиб борган тадқиқотларида унинг “Алпомиш”, “Алпамис”, “Алпамис ботир”, “Алип – манаш”, “Алпамша”, “Алпамиша ва Барсин хилув” каби номларда аталишини қайд этади. Ҳатто "Дада Қўрқут китоби"нинг учинчи бўй (дoston)и “Бамси Байрак” ўзининг сюжет воқеалари жиҳатдан “Алпомиш”га яқин туришини таъкидлайди. Ўзбек фольклоршунослигида унинг ўнлаб вариантлари тўлиқ ва парча ҳолида ёзиб олинган. Қадимги анъаналар асосида дoston куйлаган Жасоқ бахши, Йўлдош бахши, Жуманбулбул, эрназар бахшилар ўз тажрибаларини эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан, Абдулла шоир, Нурман Абдувой ўғлига мерос қилиб қолдирганлар. “Алпомиш” бу бебаҳо мероснинг ноёб ва бетакрор мўжизаси бўлиб шухрат топди. 1928-йилда Маҳмуд Зарифов устоз Ҳоди Зариф раҳбарлигида Фозил Йўлдош ўғлидан икки ой давомида “Алпомиш”нинг тўлиқ матнини ёзиб олди. Бугунги кунда дostonнинг Бекмурод Жўрабой ўғли, Хушбок

Мардонакул ўғли, Берди бахши (Бердиёр Пиримкул ўғли), Саидмурод Паноҳ ўғли, Пўлкан ва эргаш Жуманбулбул ўғли вариантлари нашр этилган. Фозил Йўлдош ўғли айтган дoston эса бир неча марта устоз Ҳ.Зарифов ва Т.Мирзаев нашрга тайёрлаган шаклда эълон қилинди.

Қабила, уруғ, элат тарихда алоҳида халқ сифатида шаклланар экан, бу жараён, аввало, қаҳрамонлик эпоси ҳисобланган махсус йирик, эпик асарда бадий ифодасини топади. Профессор Б.Саримсоқов дoston ўзбекнинг бирлашуви, мустақил халқ бўлиб уйғунлашувида қандай муҳим вази»Фан»и бажарганлигини таърифлаб, шундай дейди: “Дастлаб қабила, сўнгра элат эпоси сифатида вужудга келган “Алпомиш” дostonи кейинчалик ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси сифатида тан олинди”. Ҳақиқатан ҳам, дoston мазмунида Аму ёқасида яшаган аҳоли тарихига оид жуда кўп лавҳалар акс этган. Қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатлари: ота – ўғил; ота – қиз; она – ўғил; она – қиз; ака – ука; эр – хотин; юртни бошқарувчи – эл; оилавий бурч – фарзанд бурчи – эл олдидаги бурч – ватан олдидаги бурч ва бошқа йўналишларда моддама-модда аниқ тарзда ифодасини топган. Натижада, дoston шунчаки тингловчининг вақтини ўтказиш учун яратилган эрмак эмас, халқ қаҳрамонлик эпосига юклатиладиган вази»Фан»и бажарувчи асарлиги равшан бўлиб қолади.

Дostonнинг тингловчи эътиборини ўзига жалб этувчи нуқтаси бахши томонидан ҳикоя қилинадиган дастлабки воқеалар баёнидан бошланади. Шоир қадимги ўн олти уруғ Кўнғирот элида Добонбий, Алпинбий, Бойбўри, Бойсари бийлар (уруғ бошлиқлари) ўтганини ҳикоя қилади. Демак, ака-ука Бойбўри ва Бойсаригача Бойсун-Кўнғирот элатидаги ҳаёт бир маромда фавқулодда ҳодисаларсиз кечган экан. Аммо Бойбўри ва Бойсарига келганда, улар фарзанд кўрмадилар. Мана шу ҳолатнинг ўзи бизга “енди нимадир бўлади” деган хабарни бераётгандек туйилади. Бундан кейинги ҳаётда муайян ўзгаришлар бўлишига фарзанд йўқлиги билан тайёргарлик кўрилмоқда. Чунки халқимизда узоқ кутилган ёки Яратгандан тилаб-тилаб олинган фарзанд ҳамиша фавқулодда рўй берадиган янгиликлардан хабар берувчи омил сифатида баҳоланади.

Дoston матнини ўқир эканмиз, халқ оғзаки ижодидаги эпик асарларга хос хусусиятлардан бири – фарзанднинг етишмовчилиги охир пировардида хурсандчилик билан яқунланишига гувоҳ бўламиз. Асарни яратишдан назарда тутилган бош мақсад фарзанд дунёга келганидан кейин бошланади. “Алпомиш”да ҳам Бойбўри ўғил ва қиз кўрди, Бойсари қизли бўлди. Ана шу янгиликдан сўнг қаҳрамонлик эпоси ўз зиммасига юклатилган ижтимоий вази»Фан»и бажаришга киришади. Таниқли олимлар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифов бу вази»Фан»и қабила уруғчилик муносабатларининг

емирилиши ва мамлакатни бошқарувчи давлат тизимининг вужудга келиши билан боғлайдилар. Бу ғоя кейинчалик М.Саидов томонидан ривожлантирилди. Олимнинг фикрича, мамлакатни бошқарувчи давлатни вужудга келтириш ғояси жамият ёшлари Ҳакимбек, Қалдирғоч, Барчин томонидан илгари сурилади. Алпомиш туғилгунга қадар тотув яшаётган эл эндиликда иккига бўлинади. Энди Алпомиш зиммасида бўлинган аҳолини ўз ҳаракати билан бирлаштириш вазифаси туради. Бу вази»Фан»и бажариш учун Алпомиш қалмоқ юртига сафар қилиши ва мусофирликда яшаётган юртдошларини Бойсун-Қўнғиротга қайтариши керак. Мазкур мақсадни амалга ошириш режаси бахши томонидан жуда асосли тузилган: Барчинга қалмоқ алплари совчи қўйишади. Барчин хат ёзиб, Алпомишни Қалмоққа чақиради. Аммо Бойбўри ўғлининг ўзга юртга сафар қилишини истамайди. У мактубни сандиққа яширди. Ана шу сабаб билан дoston воқеаларининг фаол ривожланиши Қалдирғоч ҳаракатига боғланади. Унинг ташаббуси билан Алпомиш қўриқ воситасида Бойчиборга эга бўлади ва отасининг ихтиёрига қарама-қарши равишда Барчинга уйланиш учун Қалмоққа жўнайди. Қалмоқда эса уни катта синов кутаётган эди. Профессор М.Саидов фикрича, бу синовни, аслида, келажакда давлат бошқаришни бўйнига оладиган Алпомиш учун Барчин ўйлаб топади. Унинг мулоҳазасига кўра давлат бошқарувчиси зотдор отга, сифатли ёйга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга у одам жанг санъатини, айна пайтда ёйдан ўқ отишни билиши, жисмонан бақувват бўлиши шарт. Достоннинг биринчи қисми асарни ижод қилган аждодларимиз томонидан қўйилган дастлабки доvonни эгаллаш билан белгиланади. Яъни Алпомиш Бойсун-Қўнғирот аҳолисини бир давлат чегарасида бошқаришни ният қилди ва бу ниятига Қалмоққа кўчиб кетган юртдошларини қайтариш билан эришди.

Алпомиш иккинчи сафарида Сурхайил қўйган тузоққа илинди. Етти йил зиндон азобини бошидан кечиришга мажбур бўлди. Энди Алпомиш Тойчихонни жазолашга ҳақли эди. Достон ижодкорига қойил қолиш керакки, бош қаҳрамоннинг етти йил зиндонда ётиши давомида тингловчини зериктирмасдан кўплаб қизиқтирувчи лавҳаларни ўйлаб топган. Достон билан яқиндан танишган тингловчи ёки матн ўқувчисининг диққати бир дақиқа ҳам бўшашмайди. Аввало, Алпомишнинг зиндонга тушиши, кейинчалик ғоз иштирокидаги лавҳалар, Шакаман тоғидаги кампир ва овчи йигит иштироки, Қоражоннинг дўстини озод қилиш мақсадида Қалмоққа келиши, Тавканинг дoston мазмунига аралашуви, Сурхайил ва Тойчи муносабатлари, бозор эпизодлари, Кайқубоднинг Алпомишга ёрдами кабилар шу қадар маҳорат билан тасвирланадики, биз, бир томондан, Алпомиш тақдири гувоҳига айлансак, иккинчи томондан, йирик эпик тасвир якунидаги

қахрамонлар ҳаракатидан қониқиш ҳосил қиламиз.

Достонда Алпомишнинг ўз оиласига қайтишини тасвирлашда бахши достон эшитаётган тингловчиларга турли йўллар билан ҳаётда зийрак бўлиш керак, деган ўғитни ҳам бериб ўтади. Хусусан, Қултой Алпомишнинг Алпомишлигига ишонмайди. Шундан кейин Алпомиш чап елкасидаги Қултой панжасининг доғини кўрсатади. Шундан кейин Алпомиш Қултой киёфасида юртдошлари билан учрашади. Бу кўринишлар тасвирланган достон саҳифалари худди бадиий филмдаги экран лавҳаларини эслатади ва ҳар сафар “Қултой”да Алпомиш белгилари намоён бўлади.

Достондаги Барчиной билан боғлиқ воқеалар бахшилар томонидан алоҳида меҳр билан баён этилади. У зукколиги, тадбиркорлиги, донолиги, мардлиги жиҳатдан Алпомишдан қолишмайди. Сурхайил кампир ўғиллари Барчинойни зўрлик билан хотинликка олмоқчи бўлганларида, қиз алплардан бирини кўтариб ерга шундай зарб билан урадики, алпнинг оғзидан кўпик сачрайди. Шундан сўнг алплар Барчинга Алпомишни кутиш учун олти ой муҳлат беришга мажбур бўладилар. Бахши достонда Барчин иштирокини тасвирлашда жуда эҳтиёткорлик билан иш кўради ва уни энг гўзал фазилатларга эга аёл сифатида тасвирлайди.

“Алпомиш” достони бадиий жиҳатдан ҳам мукамал асар. Сиз бадиийлик деганда бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш кўламинигина тушунмаслигингиз лозим. Чунки бадиийлик тушунчасининг ўзи жуда мураккабдир. “Алпомиш” достонида қабила-уруғчилик муносабатларининг тугалланиши ва давлатнинг вужудга келиши акс этган дедик. Масаланинг кўйилиши бошқа, уни бадиий мукамал ҳолда ишонарли қилиб тасвирлаш бошқа. “Алпомиш” достони асрлар давомида халқимизни мардлик, қахрамонлик, адолат, иродалик руҳида тарбиялаб келди. Мана шундай вази»Фан»и шараф билан бажариб келган асар, албатта, бадиийлик талабига жавоб бера оладиган бўлади, яъни асар ижросини тингловчилар қизиқиш билан қабул қиладилар.

Фозил Йўлдош ўғли моҳир ва тажрибали бахши бўлгани учун асардаги воқеаларни баён қилишда шошилмайди, ҳар бир лавҳа иштирокчиларининг ташқи киёфасини, ички дунёсини, атрофдаги табиат манзараларини, воқеа-ҳодисаларни изчил таърифлайди. Тингловчи кўз олдида жонли воқеа тасвирини намоён қилади. Асардаги қахрамон хатти-ҳаракатларини далиллашга эътибор беради, шунинг учун ҳам достон мазмуни билан боғлиқ ечилмаган жумбоқ қолмайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Фолклоршуносликнинг мустақилликдан кейинги ютуқлари нималарда кўринади?
2. Ўзбек фолклоршунослигида долзарб мавзулар сифатида нималарни қайд этасиз?
3. Ўзбек фолклоршунослигининг дунё илм-»Фан»идаги ўрни тўғрисида қандай қарашлар бор?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимида сўзланган нутқ. “Халқ сўзи” газетаси 1999-й. 9-ноябр.
2. Мирзаев Т: Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: ШАМС АСА. 2013.
3. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси.–Тошкент: «Фан», 2010. – 307 б.
4. Жўраев Ўзбек халқ самовий афсоналари. - Тошкент.: "«Фан»", 1995;
5. Турдимов Ш. «Гўрўғли» достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. –Тошкент: «Фан», 2011. – 240 б.
6. “Эшонкул Жаббор. Ўзбек фолклорида туш ва унинг бадиий талқини. –Тошкент: «Фан», 2011. – 304 б.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

### **1-амалий машғулот: Фольклор асарлар нашри: оммавий ва илмий нашрлар**

#### ***Режа:***

1. Халқ оғзаки ижоди намуналарининг чоп этилиш тарихи.
2. Фолклор асарларини нашр этиш мезонлари ва уларга муносабат.
3. “Халқ оғзаки ижоди” кўп томлигининг нашр этилиши янги бир босқич сифатида.
4. “Ўзбек халқ ижоди ёдголиклари” 100 жылдлиги ўзбек фолклоршунослигини нашр ишларидаги сўнги ютуғи

**Таянч сўз ва иборалар:** илмий нашр, оммавий нашр, асл манба, бадиият, эстетика, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, вариант, версия, кўп томлик, жилд

### **1. Халқ оғзаки ижоди намуналарининг чоп этилиш тарихи**

Нашрлар фолклор асарларининг янги шаклдаги яшаш жараёни бўлиб, адабий, маданий ҳодиса сифатида халқ маънавий ҳаётида муҳим ўрин

эгаллади. Оммавий нашрларда фолклор асари кенг китобхон аудиториясига кириб борса, илмий академик нашрлар асосан илмий-адабий жамоатчилик учун мўлжалланади. Ўзбек фолклоршунослигида бу икки нашр тури юзасидан етарли даражада тажриба тўпланди. Мавзунинг долзарблиги ушбу нашр борасидаги тажрибаларни ва илмий назарий қарашларни тинловчиларга етказиш. Илмий академик нашрларнинг тадқиқотлар учун аҳамиятини ва унга қўйилган талаб ва мезонларни англатишдан иборат. Кўпдан бери ўзбек фолклоршунослари “Ўзбек халқ ижоди” кўп томлиги нашрини қайта тиклаш, “Ўзбек фолклори ёдгорликлари” 100 жилдлигини чоп этишга киришиш орзуси билан ишламоқдалар. Бу йўналишда муайян ҳаракатлар ҳам бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 1998-йил 13-сентябр қарорида ҳам юз жилдликни нашр этиш масаласи қўйилган эди. Бундан 50 йил олдин фолклоршунослик бўйича бирорта ҳам «Фан» доктори йўқ эди. Бугун, биргина Тил ва адабиёт институти фолклор бўлимида беш нафар «Фан» доктори (К.Имомов, Т.Мирзаев, М.Жўраев, А.Мусақулов, Ж.Эшонқулов, Ш.Турдимов) кабилар, бундан ташқари мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида О.Сафаров, С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаев, У.Жуманазаров, С.Йўлдошева, С.Мирзаева, М.Ёқуббекова, Д.Жўраева, И.Ёрматов каби фолклоршунос «Фан» доктори ва профессорлар фаолият кўрсатмоқдалар. Бундай илмий салоҳият юз жилдликни сифатли уддалаш имконини берадики, бунда “ўзбек ижоди” кўптомлигини нашр этишда тўпланган тажрибалар муҳим ўрин тутиши табиийдир. Халқ дostonларини нашр этиш уларнинг намуналарини ёзиб олишдан ҳамон орқада қолмоқда Дostonларимизнинг кўпчилиги ҳозирча архивнинг мулки бўлиб турибди. Масалан, 1928-йилда биринчи марта “Шайбонийхон” достони тўла равишда нашр этилган эди. Ҳолбуки, бу даврга келиб, етакчи халқ шоирларидан қирқдан ортиқ дostonлар ёзиб олинганди. Сўнг узоқ танаффусдан кейин 1939-йилда “Алпомиш” достони нашр этилди. 1941-1942-йилларда яна ўн икки дoston алоҳида-алоҳида китоблар тарзида босилиб чиқди. Сўнг 1949-йилда уруш йиллари Буюк Каримий томонидан нашрга тайёрланган “Кунтуғмиш” достони чоп қилинди. Кўряпмизки, халқ дostonларини нашр этишнинг ҳам ўз тарихи бор. Ўттизинчи йилларнинг охири ва қирқинчи йилларнинг бошларида халқ дostonларини нашр этиш ишлари илмий асосларда йўлга қўйила бошлаган эди. Қисқа бир муддатда ўн бешга яқин дostonнинг нашр этилиши фолклоршунослигимиз тарихида катта воқеа бўлди. Аммо қирқинчи йилларнинг охирларидан бошланган маданий меросга нисбатан нигилистик муносабатлар интенсив ривожланаётган фолклоршуносликка жиддий зарба этиш ишлари тўхтатиб қўйилди. Уларни



ёппасига қоралаш авж олди. Шундай шароитда халқ дostonларини қайта нашр этишнинг бошланиши диққатга сазовор бир иш, ҳатто айтиш мумкинки, дostonларимизни сақлаб қолишга бўлган ҳаракат йўлидаги дадил қадамдир. Ахир, халқимиз бир-биридан гўзал, бадий юксак, жозибадор дostonларимиз борлигини ва улар нашр этилаётганлигини ҳар кун, ҳар соат қалбан ҳис этиб туриши ҳам керак эди-да! Ҳа, ўша нашрларда баъзи нуқсонлар ҳам мавжуд. Агар уларни фолклор архивида сақланаётган асл нусхалари билан кимдир қиёслаб таҳлил этса, биз ўйлагандан ҳам кўп кемтиклар, етишмовчиликлар чиқиши табиий. Аммо биз тилга олган нашрларда дostonлар қанчалик қисқартирилган бўлмасин, уларнинг асос моҳияти сақлаб қолинган. Ўша давр учун муҳими ҳам шу эди. У нашрларни амалга ошириш давридаги бизнинг руҳий ҳолатимизни бугунги авлоднинг тушуниши анча мушкул.

Қарийб ўн беш йилга чўзилган танаффусдан кейин дostonларни қисқартирилган ҳолда бўлса ҳам алоҳида-алоҳида китоблар ва икки жилдда нашр этилиши баҳорда чакнаган момақалдиروقдек акс садо берди. Уларни халқимиз чанқоқлик билан кутиб олди, улар ўша даврга нисбатан жуда катта тиражларда тарқалди. Ҳатто кетма-кет “Ўзбек халқ дostonлари” икки жилдлигининг иккинчи нашри ҳам амалга оширилди. Бу – маданий-маънавий ҳаётимизда жуда катта воқеа бўлди. Уларнинг қисқартирилган нусхалар эканлигини оддий китобхонгина эмас, ҳатто илмий-ижодий зиёлилар ҳам пайқамай қолди. Қироатхонлик, ҳадиксираш, бир-бирини чалиш кучайган, ўтмишни идеаллаштиришда айбланиш, ҳар бир ишдан миллатчилик, космополитизм ғояларини излаш авж олган йилларнинг қўрқуви тўла сақланиб келаётган, катағонликларнинг оқибатлари батамом тугатилмаган бир пайтда эслатилган нашрларнинг амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Улар фолклоршунослик тараққиётидаги бир босқич сифатида муносиб баҳоланиши лозим.

Халқ дostonларини тўла равишда ёзиб олиш ишлари 1925-йилнинг охирларида эргаш шоир репертуаридаги намуналарни қаламга олишдан бошланган. 1925-1929-йилларда фақат эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоирларнинг ўзидангина қирқдан ортиқ дostonлар ёзиб олинган. Улар орасида “Алпомиш”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Алибек билан Болибек”, “Ширин билан Шакар”, “Муродхон”, “Раъно билан Сухангул”, “Кунтуғмиш”, “Якка Аҳмад”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Юнус пари”, “Мисқол пари”, “Галнор пари”, “Авазхон”, “Ҳасанхон”, “Далли”, “Рвшан”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Бўтакўз”, “Малика айёр”, “Интизор”, “Зулфизар”, “Хушкелди”, “Холдорхон” каби ўзбек эпосининг мумтоз намуналари бор. Кейинги йилларда эса, фолклоршуносларнинг сони

кўпайганига қарамай, бошланишдаги шиддат, самарадорлик кўзга ташланмайди. Бу улкан санъаткорлар умргузаронлик қилган сўнги 10-25 йил давомида, Ислон шоирни ҳам кўшиб ҳисоблаганда, улардан бор-йўғи ўттизга яқин дoston ёзиб олинган. Улар орасида “Ёдгор”, “Рустамхон”, “Жаҳонгир”, Буюк Каримов қаламга олган “Машриқо”, “Нурали”, Мансур Афзалов ёзиб олган “Орзигул” дostonларини ҳисобга олмаганда, биринчи даврда (1925–1929-йилларда) тўпланганлари даражасидаги бадий жихатдан юксаклари ниҳоятда кам. Нима учундир бу улкан дostonчилар ўн-ўн беш йил давомида “ташлаб кўйилган”. Агар фолклор асарларини тўплашда йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмидаги шиддат ва самарадорлик кейинги даврларда ҳам сақланганда, Пўлкан шоир билган “Ерўғли”, эргаш шоир репертуарига мансуб “Махтумқули”, Фозил Йўлдош куйлаб келган “Рустами Дoston”, “Султонхон”, “Рустамнинг яраланиши”, “Офтоб пари”, “Ёзи билан Зебо” каби дostonлар қаламга олинган бўлармиди?! Бошқа бахшилар репертуаридаги намуналарни ёзиб олишда ҳам шундай манзарани кўрамиз. Айтайлик, ниҳоятда истеъдодли бўлган Берди бахшидан биргина дoston – “Алпомиш” ёзиб олиб қолинган. Таниқли олима Музайяна Алавиянинг эслашича, Абдулла Алавий Берди бахшидан яна “Рустамхон”, “Золимхон” дostonларини ҳам ёзиб олган. Аммо қўлёзмалар бизгача етиб келмаган.

## **2. Фолклор асарларини нашр этиш мезонлари ва уларга муносабат.**

Ўтган асрда фолклор асарларининг ёзиб олиниши кенг тусда бошланган бўлиб, айна пайтда уларни нашр қилиш ишлари ҳам йўлга кўйилди. Лекин бу нашрлар кенг китобхон омма дунёқараши ва давр талабларига кўра маълум қисқартиришлар, таҳрирлар билан амалга ошди. Фақат “Халқ оғзаки ижоди” кўп жилдлиги ва бир қатор халқ бахшилари ва маълум бир эртакчилар ижодигина илмий талабларга уйғун равишда кенг оммага мўлжаллаб чоп этилди. Бир асрга яқин тўпланган тажрибалар натижасида “Алпомиш” дostonининг Фозил шоир варианты, “Ўзбек халқ мақоллари” икки жилдлиги илмий мезонлар асосида академик нашр қилинди. Эндиликда амалга ошаётган “Ўзбек халқ ижоди ёдголиклари” 100 жилдлиги ўзбек фолклоршунослиги тарихидаги энг мукамал нашрлардан ҳисобланади. Бу пайтгача чоп этилган барча халқ оғзаки ижоди намуналарини чоғиштириб, уларнинг барча ютуқ ва камчиликлари, қилиниши керак бўлган навбатдаги масалар билан боғлиқ муаммолар ушбу мавзу мазмунини ташкил этади.

## **3. “Халқ оғзаки ижоди” кўп томлигининг нашр этилиши янги бир босқич сифатида.**

«Фан» тараққиётини тезлатиш ва йирик ишларни амалга оширишга

йўналтирилган таклиф ва ғояларнинг энг муҳими ва асосийси шубҳасиз “Ўзбек халқ ижоди” кўпжилдликни нашр этиш масаласининг кун тартибига кўйилишидир. кўпжилдликни нашр этиш ғояси, унинг мазмун-моҳиятини белгилаш тўлиғича ҳоди зарифга тегишлидир. шундай нашрни амалга ошириш зарурлигини мен илк дафъа устоздан 1962-йил июл-август ойларида Тошкент ва Самарқанд вилоятларига уюштирилган фольклор экспедицияси давомидаги суҳбатларда эшитган эдим. Ўшанда устоз: “Ўзбек фольклори ёдгорликлари” деган умумий ном остида тайёрланажак бу нашр 20–25 жилддан иборат бўлмоғи керак. Унга халқ оғзаки бадиий ижодининг барча жанрларига оид энг сара асарлар киритилади. Кўпжилдлик халқ ижодкорлари оғзидан бевосита ёзиб олинган фольклор архивидаги қўлёзмалар асосида тайёрланади ва кенг халқ оmmasига мўлжалланган соф филологик танланган нашр бўлади. Биринчи босқич сифатида шундай йўл тутилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳар қандай катта ишнинг муайян тайёргарлик босқичи бўлади ҳозирча фольклор асарларини куйлари ва ижрочилик кўринишлари билан биргаликда нашр этиш имконияти йўқ. Эҳтимол, кейинроқ халқ куйлари ва этнографиясини ҳам ҳисобга олган ҳолда 50–60, балки ундан ҳам кўпроқ жилдлардан иборат кўптомликларнинг нашрини амалга ошириш имконияти туғилиб қолар”, -- деган эдилар.

Шундай қилиб, 1962-йилнинг охири 1963-йилнинг бошларидан бошлаб Ҳоди Зариф кўпжилдликни тайёрлашнинг ташкилий ва амалий ишларига жиддий киришиб кетди. 1963–1964-йилларда кўпжилдликни нашрга тайёрлаш масаласи фольклор секторида бир неча марта муҳокама қилинди. Ниҳоят, фольклор секторининг 1964-йил 18-апрелдаги йиғилишида кўпжилдликни “Ўзбек халқ ижоди” деган умумий номда ягона тартибда рақамли тарзда эмас, балки жанрлар бўйича жилдларнинг тайёрланишига қараб, бир хил муқова ва шаклда кетма-кет нашр эта боришга келишиб олинди. Дастлаб кўпжилдликни “Ўзбек фольклори ёдгорликлари” номида ҳар бир жанрни алоҳида-алоҳида сериялар тарзида рақамлаб, нашрга тайёрлаш режалаштирилган эди. Иш давомида дастлабки режанинг бундай ўзгартирилиши илмий жиҳатдан унчалик тўғри бўлмаса-да, кўпжилдликни тайёрлашга жалб этилган илмий ходимларнинг ниҳоятда озлиги, уларнинг тайёргарлик даражаси бир хил эмаслиги шуни тақоза этарди. Ўша йилларда, аниқроғи, 1961-йилда Фольклор секторида 7 нафар «Фан» номзоди (Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Қалли Айимбетов, Жуманиёз Қобулниёзов, Охунжон Собиров, Муҳаммаднодир Саидов), уч нафар илмий даражасиз кичик илмий ходим (Зубайда Ҳусайнова, Феруза Султонова, Осим Боқиев), ана шундай озгина салоҳият билан кўпжилдликни нашр этишга киришиш илмий нуқтаи назардан ҳам, маданий-марифий жиҳатдан ҳам

ниҳоятда катта воқеадир. Буни кўпжылдликнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси Ҳоди Зарифнинг ўзига хос жасорати тазида баҳолаш зарур.

Ўша йиғилишда, яъни 1964-йил 18-апрелда Ҳоди Зариф “Ўзбек халқ ижоди” кўп томлигига кирадиган асарларни тайёрлаш принциплари” ҳақида батафсил маъруза қилди. Олим “принциплар”нинг асосий моҳиятини баён қилар экан, маърузаси охирида яна қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: “кўптомлик танланган илмий-оммабоп нашр бўлади. шуни унутмаслик керакки, илмий-академик нашрларни тайёрлашга нисбатан илмий-оммабоп нашрларни ҳозирлаш анча оғир ва қийиндир. Чунки бундай нашрларда илмийликни тўла сақлаган ҳолда унинг ҳар хил дид ва савияга эга бўлган барча кишиларга мўлжалланганлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Шу сабабли бунда танлаш билан бирга матнни тўла сақлаш ўта муҳимдир. Фолклор асарлари матнида ҳар бир кичик детал, ҳар бир сўз, ҳатто ҳар бир товушнинг ўз ўрни, поетик функцияси бор. шу сабабли матндаги бирор сўз ёки кичик бир детални ўзгартириш, уни ўчириб ташлаш ёки бошқа бир муқобили билан алмаштириш асарнинг фолклорлик хусусиятини йўқотиши табиийдир. Бугун сизларга тарқатиладиган “принциплар”да бу ҳақда аниқ қоидалар тавсия этилаётган бўлса-да, яна бир икки ҳолатларни алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки ҳар қандай мукамал йўриқномаларда ҳам барча ҳолатларни тўла қамраб олиш ва зарур тавсиялар бериш имкониятдан ташқаридир. Шунинг учун ҳам матнни нашрга тайёрловчи фолклоршунос ҳар бир хос ҳолатда матннинг умумий руҳидан келиб чиқиб, илмий нуқтаи назардан ёндошмоғи ва уни китобхоннинг бадиий-руҳий жиҳатдан аниқ ҳис этишига кўмаклашмоғи лозим.

“Ўзбек халқ ижоди” кўпжылдлигини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш ишлари тезкорлик билан юришиб кетди. Дастлабки уч жилд (“Интизор”, “Муродхон”, “Дастагул”)ни устоз тайёрловчилардан кейин архивдаги асл нусхалари билан солиштириб, жиддий равишда кўриб чиқди. Шу сабабли ҳам бу жилдлар етарли даражада луғат ва изоҳлар билан таъминланган. 1964-1990-йиллар давомида чоп этилган 37 жилд китоб фолклоршунослигимиз тарихида улкан воқеа бўлди. Жилдлар бир-бирини такрорламайди ва уларда вариантлар деярли берилмаган. Кўпжылдлик ўзбек фолклори деярли барча жанрлари намуналарини қамраб олган. Жумладан: 1. Интизор, дostonлар, 1964. 2. Муродхон, дostonлар, 1965. 3. Гулихиромон, дostonлар, 1965. 4. Дастагул, Янги дostonлар, 1965. 5. Латифалар, 1965. 6. Сув кизи, эртақлар, 1966. 7. Олтин олма, эртақлар, 1966. 8. Гулёр, Фарғона кўшиқлари, 1967. 9. Гўрўғлининг туғилиши, дostonлар, 1967. 10. Гулнор пари, дostonлар, 1969. 11. Гулшанбоғ, дostonлар, 1969. 12. Ойжамол, эртақлар, 1969. 13. Гулпари, Наманган эртақлари, 1969. 14. Аския, 1970. 15. Эргаш Жуманбулбул ўғли,

1-жилд, достонлар, 1971. 16. Эргаш Жуманбулбул ўғли, 2-жилд, Достонлар, 1972. 17. Оқ олма, қизил олма, қўшиқлар, 1972. 18. Тоҳир ва Зухра, достонлар, 1974. 19. Орзигул, достонлар, 1975. 20. Ҳасанхон, достонлар, 1976. 21. Алпомиш, достон, 1979. 22. Холдорхон, достон, 1981. 23. Топишмоқлар, 1981. 24. Кулса – гул, йиғласа – дур, эртақлар, 1983. 25. Совет даври кўшиқлари, 1983. 26. Ойсулув, достонлар, 1984. 27. Бойчечак, Болалар кўшиқлари, меҳнат кўшиқлари, 1984. 28. Олтин бешик, эртақлар, 1985. 29. Балогардон, достонлар, 1986. 30. Баҳром ва Гуландом. достонлар, 1986. 31. Юсуф ва Аҳмад, достон, 1987. 32. Эрали ва Шерали, достон, 1987. 33. Зумрад ва Қиммат, эртақлар, 1988. 34. Малика айёр, достонлар, 1988. 35. Ўзбек халқ мақоллари, 1989. 36. Нурали, достонлар, 1989. 37. Луқмони ҳаким, эртақлар, нақллар, кулки-ҳикоялар, 1990 каби намуналар чоп этилди.

#### **4. “Ўзбек халқ ижоди ёдголиклари” 100 жилдлиги ўзбек фольклоршунослигини нашр ишларидаги сўнги ютуғи.**

“Ўзбек халқ ижоди” кўп томлиги нашрини қайта тиклаш, “Ўзбек фольклори ёдгорликлари” 100 жилдлигини чоп этишга киришиш орзуси билан ишламоқдалар. бу йўналишда муайян ҳаракатлар ҳам бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 1998 йил 13 сентябр қарорида ҳам юз жилдликни нашр этиш масаласи кўйилган эди. Бундан 50 йил олдин фольклоршунослик бўйича бирорта ҳам «Фан» доктори йўқ эди. Бугун биргина Тил ва адабиёт институти фольклор бўлимида беш нафар «Фан» доктори, уч нафар «Фан» номзоди, икки нафар илмий даражасиз кичик илмий ходим, бундан ташқари мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида фаолият олиб бораётган фольклоршуносларнинг илмий салоҳият юз жилдликни сифатли уддалаш имконини берадики, бунда “Ўзбек халқ ижоди” кўптомлигини нашр этишда тўпланган тажрибалар муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда эса, фольклоршуносларнинг сони кўпайганига қарамай, бошланишдаги шиддат, самарадорлик кўзга ташланмайди. Бу улкан санъаткорлар умргузаронлик қилган сўзнгги 10-25 йил давомида, Ислон шоирни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, улардан бор-йўғи ўттизга яқин достон ёзиб олинган. Улар орасида Сиз ёзиб олган “Ёдгор”, “Рустамхон”, “Жаҳонгир”, Буюк Каримов қаламга олган “Машриқо”, “Нурали”, Мансур Афзалов ёзиб олган “Орзигул” достонларини ҳисобга олмаганда, биринчи даврда (1925–1929- йилларда) тўпланганлари даражасидаги бадиий жихатдан юксаклари ниҳоятда кам. Нима учундир бу улкан достончилар ўн-ўн беш йил давомида “ташлаб қўйилган”. Ахир, ўзингиз мақолаларингизда ёзганингиздек, Пўлкан

шоир етмишга яқин, Фозил шоир қирқдан ортиқ, эргаш шоир йигирмадан ортиқ, Ислом шоир қирққа яқин дostonларни юксак маҳорат билан куйлаб келганлар. Агар фолклор асарларини тўплашда йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмидаги шиддат ва самарадорлик кейинги даврларда ҳам сақланганда, сўнги йилларда ўзингиз бир неча бор афсус билан қайд этганларингиз – Пўлкан шоир билган “Ерўғли”, эргаш шоир репертуарига мансуб “Махтумқули”, Фозил Йўлдош куйлаб келган “Рустами Дoston”, “Султонхон”, “Рустамнинг яраланиши”, “Офтоб пари”, “Ўзи билан Зебо” каби дostonлар қаламга олинган бўлармиди?! Бошқа бахшилар репертуаридаги намуналарни ёзиб олишда ҳам шундай манзарани кўрамиз. Айтайлик, ниҳоятда истеъдодли бўлган Берди бахшидан биргина дoston – “Алпомиш” ёзиб олиб қолинган. Таниқли олима Музайяна Алавиянинг эслашича, Абдулла Алавий Берди бахшидан яна “Рустамхон”, “Золимхон” дostonларини ҳам ёзиб олган. Аммо қўлёзмалар бизгача етиб келмаган.

Халқ дostonларини ёзиб олишдаги бундай номутаносибликни, йиллар давомида танаффуслар ва узилишлар бўлганлигини Сизнинг ўша Жаркўчадаги ҳовлингизга бораётганимизда айтганларингиз – “Мен фолклор билан мунтазам ва узлуксиз шуғуллана олмаганман. Фолклорга доир кўп тадқиқотларимни бошқа соҳалардаги текширишларим, хусусан, ташкилий ишлар билан биргаликда “юриб туриб” бажарганман” – деганларингиз билан изоҳласа бўладими? Ёки бунинг бошқа сабаблари борми?”

“Бунинг сабаблари ниҳоятда кўп, - дея суҳбатни давом этдирди домла. – Уни бугун хоҳлаган нуқтаи назардан баҳолаш ва ташкил қилиш мумкин. Нима бўлганда ҳам етакчи халқ бахшиларини 1929 йилдан 1936-1937 йилларгача “унутиб” қўйганилигимиз, уруш йиллари ва ундан кейин ҳам улардан жуда кам дostonлар ёзиб олганлигимиз ижобий ҳодиса эмас. Бунинг оқибатида эпик мероснинг муайян қисми бутунлай унутилиб кетди ёки уларнинг мазмуни ва номлари бу дostonларни тинглаган фолклоршуносларнинг мақола ва китобларида, кейинги давр бахшиларининг хотираларидагина сақланиб қолди. Бунга менинг халқ ижоди намуналарини узлуксиз равишда ёзиб олмаганлигим, кўпроқ бошқа соҳаларда банд бўлганлигим ҳам сабаб бўлгандир. Аммо бу асосий эмас.

Менинг назаримда бунинг асосий сабабларини ўша йиллардаги маънавий-мафкуравий муҳитнинг моҳиятидан, фолклоршуносликни қай томонга йўналтирилганлиги ва унинг олдига қўйилган талаблардан келиб чиқиб изоҳлаш керак бўлади. Гап шундаки, 20-йилларнинг охирларидан бошлаб янги давр фолклорини тўплаш, инқилобий ҳаракатлар билан боғлиқ намуналарни ёзиб олишнинг зарурлиги ҳақидаги чақириқлар, ҳатто талаблар ниҳоятда кучайди. Барча мафкуравий воситалар шунга жалб этилди. Ўша

йилларда биз буни замон талаби, деб тушунганмиз ва сидқи дилдан хизмат қилганмиз. Менинг ўзим ҳам 30-йиллари совет даври фольклорига бағишланган икки тўплам нашр этганман. Урушдан кейинги йилларда эса, халқ дostonларини ўтмишни идеаллаштирувчи асарлар тарзида баҳолаш, уларга нисбатан нигилистик муносабатлар авж олди. Бундай вазиятнинг халқ дostonларини ёзиб олиш ишларининг сусайишига олиб келганлиги инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Бу – бир. Иккинчидан, халқ бахшиларининг дostonларни табиий ижро этиш шароитларида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бахшилар колхоз-совхоз театрларига, маданий-маърифий муассасалар ишларига кенг жалб қилина бошланди. Уларга ижтимоий буюртмалар бериш, ҳатто улар номидан терманамо намуналар эълон қилиш кучайди. Бу нарса уларнинг анъанавий репертуарга нисбатан лоқайд муносабатда бўлишига олиб келди. Бахшиларда анъанавий дostonларни ёздиришга бўлган рағбат сусайди. Улар турли баҳоналар билан ёзиб олувчилардан “қоча бошладилар”. Масалан, Музайяна Алавия 1949-йилда Фозил Йўлдош ўғлидан “Зевархон” ва “Кунларим” дostonларини жуда қийинчилик билан ёзиб олди. “Алпомиш” дostonи танқиддан кейин эса, шоир уни сўраб берганларни қувиб-соладиган бўлди. Менинг ўзим ҳам Бола бахши билан жуда илиқ муносабатда бўлишимга қарамай, қанчалик ҳаракат қилмайин, бирор дostonни ундан ёзиб ола билмаганман. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бугун уларнинг вафотларидан анча йиллар ўтгандан кейин, нега ундай бўлди, нега бундай бўлмади, дея сохта муаммолар туғдиришга зарурат йўқ. Атоқли дostonчилар эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Ислom шоирларнинг ўзларидангина олтмишдан ортиқ дoston ёзиб олинган. Бу дostonлар деярли бир-бирини такрорламайди. Бошқа бахшиларда ҳам ёзиб олинганларини уларнинг вариантлари билан кўшиб ҳисоблаганда, дostonларимизнинг умумий сони уч юздан ошиб кетади. Бу ниҳоятда катта бойлик. Эндиги вазифа уларни асраб-авайлаб сақламоқ, илмий жиҳатдан ўрганмоқ, энг яхшиларини доимий равишда нашр эта бормоқдан иборат бўлмоғи лозимдир.

### **Назорат саволлари:**

1. Илк оммавий нашрлар, уларнинг қиммати ва камчиликлари ҳақида маълумот беринг.
2. Ўзбек фольклоршунослигида қайси нашрлар мўтабар саналади?
3. Халқ оғзаки ижоди асарларини нашр этишнинг келажак мезонларини нималар ташкил этиши керак?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ислom Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка

эътибор. Т., “Ўзбекистон”. 2009.

2. Мирзаев Т: Ҳикояти Гўрўғли султон. Сўнг сўз, луғат, нашрга тайёрлаш. – Т.: Адабиёт учқунлари. 2013.

3. Мирзаев Т: Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: ШАМС АСА. 2013.

4. Наврўз қўшиқлари (Тадқиқот мажмуа, Турдимов Ш, эшонқулов Ж.),-Т.: “Ўзбекистон ” 2012.

5. Равшан достони. -Т.,1975.

6. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 1–8-жилдлар. Тошкент: Гафур Ғулом, 2015, 2016.

7. Ўзбек халқ эртаклари., Т.2007.

## **2-амалий машғулот: Халқ дostonлари ва эртаклари тадқиқининг янги тамойиллари**

### ***Режа:***

*1.Халқ дostonлари поэтикасини ўрганишининг янги тамойиллари.*

*2.Эпик асарлар сюжети, образлар тизими ва гоаявий-бадий талқинлари. Семантик ва структурал сатҳида ўрганиш тажрибалари.*

*3.Бахши, дoston ижроси, дostonчилик мактаблари, эртакчи ва эртакчилик масалаларини ўрганилиши.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *дoston, эртак, эпос, сюжет, мотив, семантика, структура, бахши-шоир, дoston ижроси, дostonчилик мактаблари, образ, этнос, эртакчи, эртакчилик мактаби, анъана, бадиҳа, устоз, шогирд, эпик билим, эпик хотира, анъанавий тақор.*

### **1. Халқ дostonлари поэтикасини ўрганишининг янги тамойиллари.**

Фолклоршуносликда ҳар бир асар ижроси бир адабий факт сифатида, ўзига хос вариант эканлигини ҳис этиш, адабий фактнинг қурилиши, семантикаси, тарихий асосларини, тадрижий босқичларини, бевосита ижрочи ва тинловчи аудиторияси билан боғлаб талқин этишни англаш муҳим ҳисобланади. Фолклорнинг анъаналар санъати эканлигини, эпик билим ва эпик қолипларнинг фолклор ижроси, бахшилик санъатидаги ўрнини ўрганиш долзарб масалардан биридир. Ушбу сатҳда барча фолклор асарларига ва масаларга ёндошув бугунги фолклоршуносликнинг устувор вазифаларидан эканлигини англаш муҳимдир. Сюжет ва мотивларнинг келишида, эпик



қахрамонларнинг талқин олишида, бадий тасвирий унсурларнинг намаён бўлишида уларнинг ўрни кўрсатиш, фолклоршуносликнинг сўнги изланишларида ана шу масаларнинг қандай йўсинда акс этаётгани мавзу асосини ташкил этади. “Алпомиш” достони сюжетининг турли кўриниш ва ҳар хил ҳажмдаги версия ва вариантлари, вариантнамо қолдиқ нусхалари олтойдан тортиб, волга бўйларигача бўлган кенг ҳудудда яшаётган туркий халқлардан хх асрдагина, шунда ҳам асосан 20-30-йилларда ёзиб олинган. Ёзиб олинган материалларнинг бундай қисқа давр билан чегараланганлиги, ёзма манбаларнинг мавжуд эмаслиги, достоннинг кўпгина версия ва вариантлари тўла нашр этилмаганлиги унинг юзага келиш даври, яратилиш жойи, тарихий тараққиёти ҳақида тугал хулосага келишга монелик қилиши табиийдир. Шу сабабли мен асосий эътиборни эпоснинг ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ версияларига қаратиб, унинг яратилиш жойини Ўрта Осиё ҳудудларида белгилаш ва қарийб минг йил давомида бизгача етиб келган вариантларда яқин ҳолатда оғзаки эпик анъаналарда ижро этилиб келаётганлигини таъкидлаш билан чегараланиш тарафдори эдим. Виктор Максимович эса, достон сюжетини туркий халқлар тарқалиши, уларнинг кўчиш ва бир-бирларига аралаштиришлари билан эпоснинг сюжет асослари VI-VIII асрларда олтойда юзага келган, унинг тарихий тараққиёти XVI асргача давом этган, деган фикрни илгари сурмоқчи бўлди. Атоқли халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли вариантини достоннинг энг мукамал намунаси ҳисоблаш, эпосга қалмоқ мавзуси кейин кириб келганлиги каби масалаларда яқдил эдик. Кўп мунозаралардан кейин ўзаро бир фикрга келдик. Шу тариқа бизнинг китобимизга эпос сюжетининг “босқичли (стадиал) тараққиёти”, “Бойсун-Қўнғирот редакцияси”, “Алпомиш” достони ва “Бамси-Байрак” бўйи параллел сюжетлар каби тушунчалар кириб келди. Бошқирд версияси достоннинг бизгача ўзгара-ўзгара етиб келган қолдиқ нусха эканлигини, олтойча “алип-манаш”, “Бойсун-Қўнғирот редакцияси”га яқинлигини таъкидлаш билан чегараланилди. Татар версияси ҳақидаги материаллар у пайтда бизнинг қўлимизда йўқ эди. “Алпомиш” достонининг яратилиши ва тарқалиш масалаларида В.М.Жирмунский менинг қарашларимга кўпроқ ён бериб, бир фикрга келган бўлсак-да, “Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси” китобидаги бу муаммога оид мулоҳазаларни дастлабки хулосалар сифатида қабул қилиш керак. Чунки, “Алпомиш” эпосининг, шунингдек, бошқа досонларнинг яратилиш даври ва оғзаки эпик анъаналарда тарқалиш хусусиятлари қўшимча тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Бир неча туркий халқларда оғзаки равишда жонли ижро шароитларида бизгача етиб келган эпоснинг моҳияти ва тарқалиш географияси ҳақида тўла тасаввур бера олади. Хусусан, версияларнинг (қўнғирот ёки олтой, ўғуз ёки қипчок

версияларининг) бири иккинчисидан келиб чиқмаганлиги ёки бири иккинчисининг давоми эмаслиги, уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида қадимий қандайдир бир манбага бориб тақалиши ва кейинги тараққиётида мустақил ривожланганлиги тўғрисидаги олим мулоҳазаларини “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” китобидаги дoston сюжетининг боқичли (стадиал) тараққиёти ҳақидаги хулосанинг янада ривожлантирилиши, деб баҳолаш керак. Шу маънода ўзбек “Алпомиш”и билан олтой “Алип-манаш”ини қиёсий ўрганиш янги хулосаларга асос бўлиши мумкин.

## **2. Эпик асарлар сюжети, образлар тизими ва ғоявий-бадий талқинлари. Семантик ва структурал сатҳида ўрганиш тажрибалари.**

Халқ оғзаки ижодининг етакчи хусусиятлари саналмиш оғзакилик, вариантлик, коллективлик, ононимлик, бадиҳагўйлик ва анъанавийлик фольклор асарлари ижроси ва яшашининг асосини ташкил этади. Фольклор ижрочилари айни пайтда ижодкорлари ҳамдир. Фольклор асарларининг оғзаки яшаш жараёнида эпик билим ва эпик қолипларнинг ўрни муҳим. Эпик билим ва қолиплар фольклорнинг мазмун ва мундарижасини белгилайди.

Халқ оғзаки ижоди жанрларининг мундарижасини уларда ифодаланган барча маъно қатламлари ташкил этади, мазмуни эса маълум бир вазиятда куйланган ва мундарижага бевосита боғланиб турувчи хусусий талқин ҳосиласи сифатида юзага чиқади, воқеа бўлади. Шу маънода мазмун хусусий, мундарижа эса умумийлик касб этади. Фольклор асарлари мазмуни турли сатҳларда ифодаланган ижтимоий-ҳаётий, эзотерик-фалсафий қатламларнинг анъанавий рамзий ва тимсолий маъноларлари орқали очилади. Ушбу мавзуда ана шу йўналишдаги изланишлар моҳияти қиёсий ўрганилади. Фольклор намуналарининг генезиси ва тадрижий ривожланиш босқичларидаги мифологик тафаккурдан – мифопоетик ва бадий эстетик тараққиёт босқичлари етакчи дostonлар, эртаклар, улардаги сюжет типлари, етакчи мотивлар, образлар ва тасвирий воситалар кўламида ёритилаётгани бевосита мисоллар ёрдамида таҳлил этилади. Етакчи дostonчилар, дostonчилик мактаблари ва фольклорнинг бошқа ижрочилари ҳаёти, ижоди мисолида бу муҳим масаларнинг фольклоршунослигимиздаги янги талқинларига алоҳида тўхталинади.

## **3. Бахши, дoston ижроси, дostonчилик мактаблари, эртакчи ва эртакчиликка масаларининг ўрганилиши.**

“Бахши” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да тўрт хил маъно бериши кўрсатилган: 1 – донишманд, 2 – дostonларни куйловчи, 3 – дам солиб даволовчи табиб, 4 – Бухоро хонлигида қурилиш маблағини назорат

қилувчи. Юқоридаги тўрт маънодан учтаси бевосита дoston айтувчи бахшиларга тегишли, десак хато бўлмайди. Чунки халқ орасида бахши бўлиш учун инсон донишманд, ақлли бўлиши керак, деган фикр қайта-қайта таъкидланади. Иккинчидан, “бахши” луғатда изоҳ берилишича, халқ дostonларини ижро этади. Учтинчидан, қадим замонлардан халқ тасаввуридаги бахшилар сўзнинг мўжизавий фазилатидан фойдаланиб кишиларни турли хасталиклардан фориғ қилувчи одамлар ҳисобланган. Ҳозир ва ўтган асрларда бахши даврасида иштирок этган одамлар дoston эшитиш билан бирга дардларидан ҳам қутилганлар, турмуш ташвишларидан озод бўлганлар, ўзларини енгил сезганлар. Ўзбек фолклоршунослиги асосчиси Ҳ.Т.Зарифовнинг маълумот беришича, бахши мўғулча ва бурятча “бахша”, “бағша” сўзларидан олинган бўлиб, “устод”, “маърифатчи” маъноларида қўлланган. Маълум бўладики, бахши халқ томонидан чексиз ҳурматга эга, эъзоз топган ҳунар эгалари экан.

Дostonчилик мактаблари. Ўзбек дostonчилигида дoston куйлаш анъанаси қадимда уч йўналишда ривожланган. Биринчидан, Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Нарпай, Шеробод, Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай дostonчилик мактабларида дўмбира чертиб якка ҳолда, бўғиз овоз билан ижро этилган. Иккинчидан, Хоразмда тор, дутор, гижжак, гармон, баломон, кўшнайн, доира жўрлигида баъзан якка, баъзан жуфт ҳолда, очик овоз билан ижро этилган. Учтинчидан, Фарғона водийсида дутор жўрлигида очик овозда айтилган.

Филология «Фан»лари доктори, профессор Тўра Мирзаев маълумотига кўра, Булунғур дostonчилигида қаҳрамонлик дostonларини ижро этиш кўпроқ амалга ошган. Бу мактабнинг сўнгги вакили Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) ҳисобланади. Фозил Йўлдош ўғли ижросидаги “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Малика айёр” каби дostonлар ёзиб олинган. Фозил Йўлдош ўғли Йўлдош, Қўлдош, Суяр шоирларнинг тарбиясини олган. Айниқса, у ижро этган “Алпомиш” дostonи халқ ижодидаги энг мукамал асар сифатида бутун дунё фолклоршунос олимлари томонидан тан олинган.

Ергаш Жуманбулбул ўғлининг номи ҳамиша Фозил шоир қаторида жуфт келади. Эргаш шоир (1868-1937) Қўрғон мактаби вакили эди. Нурота худудининг шуҳрати айнан ана шу бахши ва Пўлкан шоир (1874-1941) ижоди билан боғлиқ.

Дoston ижросида Хоразм усули Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги анъанадан тамомила фарқ қилади. Бу ерда дoston ижроси профессионал хонандалик йўлида амалга оширилади. Бахши дoston матнини ёддан ижро этади, шу билан бирга дўмбира чертувчи бахшилардан фарқли равишда дostonга йўл-йўлақай ўзгартириш киритишдан ўзларини

сақлайдилар. Чунки Хоразм достончилигида достон матн, кўпинча, халқ китоблари туркумидаги XIX асрда чоп этилган китобларга асосланади. Матнга ўзгартиш киритиш бу анъана қоидалари бўйича маъқулланмайди. Табиий савол туғилади: у ҳолда Хоразм бахшиларининг достон айтиш маҳоратини қайси мезон белгилаши мумкин? Хоразм бахшилари ўз маҳоратларини достонни айтишда мумтоз муסיқага, достондаги шеърий парчаларни алоҳида қаҳрамоннинг арияси даражасида куйлаш билан кўрсатадилар. Хоразм бахшиларининг овози мумтоз ашула айтувчилар овозидан деярли фарқ қилмайди. Достон муסיқаси ҳам мумтоз санъат усулига асосланган. Аҳмад бахши, Қодир созчи, Болтавой бахши каби санъаткорлар ижоди Хоразмда шуҳрат топган эди.

XX аср Хоразм достончилиги ривож, шубҳасиз, Бола бахши - Қурбонназар Абдуллаев ижоди билан боғлиқдир. Хоразмда аёлларнинг достон айтиши ҳам кенг тус олган эди. Биби шоира, Хонимжон халфа, Ожиза, Онажон Сафарова, Назира Собирова Хоразм достонларини куйлашда етук бахшилар қаторидан муносиб ўринга эга бўлдилар.

Ўзбек достончилик анъанасининг яна бир тури Фарғона водийсида шаклланган. Наманган вилоятининг шимоли Уйчи, Янгиқўрғон, Чортоқ атрофларида Деҳқонбой Баҳромов, Икром Ризаев, Омон бахши Раззоқовлар ижод қилишган. Маҳаллий халқ оғзаки ижодини ўрганган олим Абдурашид Собиров таниқли фолклоршунос олим Тожибой Ғозибоев билан ҳамкорликда мазкур достончилик анъанасини ўрганиб, Қўлбуқон, Сайрам, Ариқбўйи (Ариқмўйин) мактаблари мавжудлигини қайд этади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Фолклорда анъана деганда нимани тушинасиз?
2. Епик билим нима ва унинг ижрочилар ва тинловчилар ўртасидаги вазифаси нималарда кўринади?
3. Ўзбек фолклоршунослигида етакчи ўринга чиққан қандай тадқиқот усулларини биласиз?
4. Фолклордаги ҳар бир образ, умумий мазмун рамзий ва тимсолий маънога эга эканлигини тушунтириб беринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Ислом Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., “Ўзбекистон”. 2009.
3. Мирзаев Т: Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: ШАМС АСА. 2013.
4. Жўраев Ўзбек халқ самовий афсоналари. - Тошкент.: "«Фан»", 1995;

5. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси.–Тошкент: «Фан», 2010. – 307 б.
6. Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. –Тошкент: «Фан», 2011. – 240 б.
7. Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси, -Т.: “Ўзбекистон ” 2016.
8. Эшонқулов Ж. Эпик тафаккур тадрижи. Тошкент, “«Фан»” 2006. Б-128
9. Эшонқул Жаббор. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: “«Фан»”, 2011. – 304 б.

### **3-амалий машғулот. “Алпомиш” дostonи вариантлари ва бадиияти**

1. Қахрамонлик дostonларининг белгилари.
2. Алплик тизими қахрамонлик дostonлари учун мезон.
3. “Алпомиш” қахрамонлик дostonининг мумтоз намунаси.
4. Қахрамонлик дostonида этнос ва эпос муамоси.

#### **1. Қахрамонлик дostonларининг белгилари.**

Қахрамонлик дostonлари бахшилар репертуарида муҳим ўрин тутди. Қахрамонлик дostonлари воқелигини олимлар уруғчилик муносабатлари, кўчманчилик ва ярим кўчманчилик ҳаёти билан боғлаб талқин этишади. Бундай дostonлар бир қатор уруғ ва қабилаларнинг муайян халқ сифатида ташкил топа бориши, илк давлатчилик куртакларининг пайдо бўлиши ва шу муносабат билан халқ ва элатларнинг ўз мустақилликлари учун чет эл босқинчиларга қарши мардонавор курашлари қахрамонлик дostonлари учун бой материал бўлди. Мана шу курашлар, таркиб топишлар, бирлашишлар ва жойлашишлар жараёнида ўз-ўзини англашнинг буюк ифодаси сифатида қахрамонлик эпоси юзага келди. Зотан, қадимий қахрамонлик эпоси «халқнинг фақат гўдаклик даврларида..., унинг куч-қудрати ва тоза фаолияти фақат қахрамонлик ғалабаларида кўринган замонлардагина пайдо бўлиши мумкин».

Демак, эпик мазмуннинг қахрамонлик характерига эга бўлиши қахрамонлик дostonларининг бош хусусиятидир<sup>1</sup>. Ана шу хусусият унинг бутун моҳияти ва асосий йўналишини белгилаб, ўзига хос тасвир методини тайин этади. Ушбу хусусиятларни «Алпомиш» дostonида тўла равишда кўриш мумкин.

Кўчманчи кўнғирот қабиласида патриархал-уруғчиллик муносабатлари емирила бошлаган замонларда яратилган бу монументал асар ўзбеклар ўртасида икки версия ва куплаб вариантларда жуда кенг тарқалган. Бу пайтгача дostonнинг йигирма саккиз варианты ўттиз уч марта (тўла тексти, парча, мазмуни) ёзиб олинди<sup>2</sup>. Эпос туркий халқлар

<sup>1</sup>Пр о п п В. Я- Русский героический эпос. М., 1958, с. 5—6.

<sup>2</sup>Кр, ранг: М и р з а е в Т. «Алпомиш» дostonининг узбек вариантлари. Тошкент, 1968.

ўртасида жуда кенг тарқалган. Унинг ўзбек<sup>3</sup>, қozoқ<sup>4</sup>, қорақалпоқ<sup>5</sup> версиялари эпик поэма ҳолида, тожик<sup>6</sup>, уйрот<sup>7</sup>, татар<sup>8</sup>, бошқир<sup>9</sup>, Ўрта Осиё араблари<sup>10</sup> версиялари эртак ва ривоятлар тарзида машҳурдир. Ўрта аср ўғиз эпосининг муҳим ёдгорлиги «Китоби Дада Қўрқут» таркибидаги «Бомси Байрак» асари ўзининг сюжети ва композицион қурилиши жиҳатидан «Алпомиш» достонига жуда ҳам яқин туради<sup>11</sup>. Туркий халқларнинг «ўртоқ бир достони» (Ҳамид Олимжон) бўлган «Алпомиш»нинг бунчалик кенг тарқалиши шу халқларнинг бир хил ижтимоий-тарихий шароитда ҳаёт кечирганликлари, ўзаро яқин маданий муносабатда бўлганликлари, яратиш ва ижодда ҳамкор, ҳамфикр эканликларини кўрсатади. Аммо «Алпомиш»нинг яратувчиси бўлган ҳар бир халқ унда ўз тарихини, этник ва анъанавий хусусиятларини, озодлик ва тенглик ҳақидаги ўз идеалларини акс эттиради.

**1. Алплик тизими қаҳрамонлик дастонлари учун мезон.** АЛПЛИК ТИЗИМИ – эпик ижодда қаҳрамонлик эпосига хос бўлган атама. Фақат қаҳрамонлик эпосига хос, бу тур достонларнинг ўзак мезонларидан бўлмиш халқнинг «алплик тизими» билан боғлиқ тасаввурларининг қатъий ўлчамлари мавжуд.

– Аввало, қаҳрамоннинг туғилмасданок ҳомий эранлар назарида турганлиги – назарқарда эканлиги (эпоснинг қадимий шаклида алп тўғридан тўғри илоҳлар фарзанди, деб талқин этилади).

– Бахтли юлдуз ойида туғилувчи, бўлажак қаҳрамоннинг пайдо бўлиши ҳақида душман юрт қоҳинларининг қароматлар айтиши. Уларнинг болани йўқ қилишга уринишлари.

– Қаҳрамоннинг душманларни доғда қолдириб улғая бориши давомида «алплик дарди»га йўлиқиши. Масалан: «Гўрўғли» достонида қаҳрамон қабилadoшларига «озор» етказди. Лекин бу «озор» шунчаки безовта этиш эмас. Одатда қаҳрамон – алп халқнинг қуввати мудраётган, омма инерт (суст) ҳолатга тушган бир даврда уни кучга эндирувчи ўзига хос «уйғотувчи» сифатида пайдо бўлади. Бу даврда суст авлод ичида пассионар (бунёдкор) авлод туғилади. Алп пассионар авлод вакилигина эмас, дарғаси – йўлбошчиси ҳисобланади. Ҳамиша пассионар (фаол) авлод инерт (суст) омманинг «ҳаловати»ни бузади. Бу жараёнсиз этнос қувватга кирмайди. Яъни, янги сифат босқичига чиқмайди. «Алпомиш»даги «закот»

<sup>3</sup>Уч варианта нашр этилган: Алпомиш. Айтувчи Фозил Йулдош угли. Тошкент, 1958; Алпомиш. Берди бахши варианта. Тошкент, 1969; Саидмурод Паноз^ угли варианты «Одилхон» китобида. Тошкент, 1972, 48—115-бетлар.

<sup>4</sup>Алпамис-батыр. Под ред. М. Ауэзова и И. Смирновой. Алма-Ата, 1961.

<sup>5</sup>Сагитов И. Т. Каракалпакский героический эпос. Тошкент, 1962.

<sup>6</sup>Алпамыш. Таджикские варианты текстов. Сталинабад, 1959.

<sup>7</sup>Суразаков С. С. Об алтайском сказании «Алып-Манап». Сб. «Об эпосе «Алпамыш». Ташкент, 1959, с. 197—202.

<sup>8</sup>Валитова А. А. Татарская версия эпоса «Алпамыш». Сб. «Тюрко-монгольское языкознание и фольклористика». М., 1960, с. 173—209.

<sup>9</sup>Киреев А. Н. О башкирском эпосе «Алпамыш». Сб. «Вопросы башкирской филологии». М., 1959, с. 52—59.

<sup>10</sup>Жирмонский В. М. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. М., 1960.

<sup>11</sup>Книга моего Деде Коркута. М.—Л., 1962.

масаласининг кун тартибига чиқиши ва элнинг бу янгиликдан безовта бўлиб кўчиши, ана шу икки авлод ўртасидаги курашнинг ифодасидир. Достондаги «закот» мотиви асосида «алплик дарди» бадий кодлари турибди. Достоннинг бошқа вариантларида бу мотив турлича талқинларда келади. Аммо моҳият ўзгармайди. Достондаги «алплик дарди»ни ифодаловчи воқеалар тафсилоти, пассионар авлоднинг кучга кириш даврида уни инерт омма қабул қилолмаслигини акс эттиради. Баъзан инерт(сушт) омманинг сояси алпнинг хатти-ҳаракатларига ҳам таъсир ўтказди. Алп эса бу даврда йўл қўйган хатолари бадалини улғайганда тўлайди. Этноснинг савобу гуноҳи алпнинг тақдирида, Алпнинг савобу гуноҳи этноснинг тақдирида намоён бўлади. «Алплик дарди» нафақат алпнинг, балки «этноснинг янгилашиш бўсағасидаги «дарди», уйғониш, ҳаракатга келиш «оғриқлари» ҳамдир.

–«Алплик дарди»нинг «танланган»(алп) ва «танловчи»чилар – ҳомий эранлар ўртасида бевосита мулоқатнинг бошланганлигини билдириши. Янада аниқ айтилса, «алплик дарди» қаҳрамоннинг ерда туғилиб, маълум муддатга «ёввойиlashган» (этноснинг ушбу даврдаги замон ва макон таъсирига қисман тобе турган) руҳ ва танини эранлар иқлимига мослаштириш муддатидаги қаршиликлари ва уйғунлашув жараёни эканлиги.

–Эранларнинг ўз маконида қаҳрамоннинг жисми ва руҳини илоҳий нур ҳамда шароб билан тоблаб, эмлаб (бамисли асов тулпорни жиловлаб) дарддан халос этиши. Унга алплик сиру синоатларини ўргатишлари. Қаҳрамоннинг алп сифатида қайта яраниши.

–Қаҳрамоннинг алплик куч-қудратига, билимига, сеҳрли хусусиятларига, белгиларига эга бўлиши.

–Қаҳрамоннинг эранлардан алплик қурол-аслаҳаларини олиши.

–Қаҳрамоннинг эранлардан алп сифатида бажарадиган вазифаси – ердаги миссияси ва тақдирини (ибтидо ва интиҳо) билиши. Айти талаблар Алпомишнинг Алпинбий ёйига эга бўлиши, чилтонлар ҳузурида Барчин ва Алпомиш руҳининг учрашуви ҳамда бошқа тафсилотларда акс этган.

–Эранларнинг қаҳрамонга ҳамкор қилиб ўз шерикларидан бирини қўйиши ҳам «алплик тизими»нинг таянч нуқталаридан ҳисобланади. “Гўрўғли” достонларида Соқибулбул, “Алпомиш” достонида Қултой шундай образ ҳисобланади. Достонда Қултой қуйидагича сифатланади: «Қултой айтди:

–Алпомишнинг белгиси шул эди, ўнг эгнида Шохимардон пирнинг беш панжасининг доғи бор эди, чап эгнида ўзимнинг беш панжамнинг белгиси бор эди». Қултой шундай қудратли чол эдики: «Қултой ҳам захар чол эди. Ётган ерида бир қур ҳаёт тортди, тўксон тўқайдаги йилки йиғилиб қошига етди, ҳамма йилқилар жам бўлиб турди». Энг муҳим жиҳат Қултой Алпомишнинг оти – Бойчиборни боқиб, тарбиялаган киши. «Гўрўғли» достонида Соқибулбул Фиркўкнинг сайиси, Гўрўғлига маслаҳатчи, даврасига соқийлик қилди.

–Қахрамоннинг алп сифатида ўз куч-қудратини амалда намойиш этиши ва халқ томонидан алп сифатида тан олинishi. Жанговор отнинг ҳам алп босиб ўтган синов ва тобланишлар жараёнидан ўтиши ҳам алплик мезонлари қаторида туради. Умуман олганда «алплик тизими» қахрамонлик дostonларининг умуртқаси ҳисобланади.

Халқнинг алп ҳақидаги бу яхлит тушунчалар тизимининг моҳиятидан нималар англашилади? Жавоб шундай:

Ер юзида ўз изидан чиққан тартибни ўзанига қайтариш оддий хом сут эмган банданинг қўлидан келмайди. Ердаги тартибнинг бузлиши эса ўз навбатида космос ва ер ости дунёси мутаносибликни издан чиқаради. Шу сабабли космос вакиллари – ҳомий эранлар бу жараёнга аралашадилар. Улар Айни вазифани бажарувчи хос вакил танлашади. Ушбу вакил бутун борлик (космос, хаос, ер) кучларининг қуввати пайванд бўлган жойдан униб чиқади. Чунки унинг космос, хаос, ер дунёларида тобга келган руҳи ва тани бутун олам тартибига ҳалал берувчи кучларнинг ҳар бирини ўз жойида (кўкдагисини кўкда, ердагисини ерда, сувдагисини сувда) ўрнига қўйиш имконини беради. Шунинг учун ҳам алп оддий одамлар орасида туғилган хос – танланган киши ҳисобланади. Лекин у туғилиб чинакам алп сифатида камолга етгунига қадар кетган вақтда лозим бўлган тобланишлар, синовлар босқичидан ўтади.

## **2. “Алпомиш” қахрамонлик дostonининг мумтоз намунаси.**

Халқ оғзаки ижодидаги бирон асарнинг ёки луғат бойлигимиздаги сўзнинг қадимийлигини аниқлаш учун уни ёндош халқлар ижодида ёки ўша миллат тилида мавжудлигини ўрганиш яхши натижа беради. Бу жиҳатдан "Алпомиш" дostonи мазмунига оид асосий воқеалар олтой, татар, бошқирд, козоқ, қорақалпоқ ва бошқа туркий халқларда эртақ, ривоят, дoston шаклида мавжуд экани асар ниҳоятда қадим замонларда яратилганини далиллайди. Проф. Тўра Мирзаев дoston вариантлари юзасидан олиб борган тадқиқотларида унинг "Алпомиш", "Алпамыс", "Алпамис ботир", "Алып - манаш", "Алпамша", "Алпамиша ва Барсин хилув" каби номларда аталишини қайд этади. Ҳатто "Дада Қўркут китоби"нинг учинчи бўй (дoston)и "Бамси Байрак" ўзининг сюжет воқеалари жиҳатдан "Алпомиш"га яқин туришини таъкидлайди<sup>12</sup>. Ўзбек фольклоршунослигида унинг ўнлаб вариантлари тўлиқ ва парча ҳолида ёзиб олинган. Қадимги анъаналар асосида дoston куйлаган Жасоқ бахши, Йўлдош бахши, Жуманбулбул, Эрназар бахшилар ўз тажрибаларини Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан, Абдулла шоир, Нурман Абдувой ўғлига мерос қилиб қолдирганлар. “Алпомиш” бу бебаҳо мероснинг ноёб ва бетакрор мўъжизаси бўлиб шуҳрат топди. 1928 йилда Махмуд Зарифов устоз Ҳоди Зариф раҳбарлигида Фозил Йўлдош ўғлидан икки ой давомида “Алпомиш”нинг тўлиқ матнини ёзиб олди. Бугунги кунда дostonнинг Бекмурод Жўрабой ўғли, Хушбоқ Мардонакул ўғли, Берди бахши (Бердиёр Пиримкул ўғли), Саидмурод Паноҳ

<sup>12</sup> Мирзаев Т. Дostonлар гултожи. Алпомиш / Сўзбоши. – Т.: Шарқ НМАК, 1998. – Б. 7-8.



ўғли, Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли вариантлари нашр этилган. Фозил Йўлдош ўғли айтган дoston эса бир неча марта устоз Ҳ.Зарифов ва Т.Мирзаев нашрга тайёрлаган шаклда эълон қилинди.

Қабила, уруғ, элат тарихда алоҳида халқ сифатида шаклланар экан, бу жараён, аввало, қаҳрамонлик эпоси ҳисобланган махсус йирик, эпик асарда бадиий ифодасини топади. Профессор Б.Саримсоқов дoston ўзбекнинг бирлашуви, мустақил халқ бўлиб уйғунлашувида қандай муҳим вазифани бажарганлигини таърифлаб, шундай дейди: “Дастлаб қабила, сўнгра элат эпоси сифатида вужудга келган “Алпомиш” дostonи кейинчалик ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси сифатида тан олинди”<sup>13</sup>. Ҳақиқатан ҳам, дoston мазмунида Аму ёқасида яшаган аҳоли тарихига оид жуда кўп лавҳалар акс этган. Қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатлари: ота – ўғил; ота – киз; она – ўғил; она – киз; ака – ука; эр – хотин; юртни бошқарувчи – эл; оилавий бурч – фарзанд бурчи – эл олдидаги бурч – ватан олдидаги бурч ва бошқа йўналишларда моддама-модда аниқ тарзда ифодасини топган. Натижада, дoston шунчаки тингловчининг вақтини ўтказиш учун яратилган эрмак эмас, халқ қаҳрамонлик эпосига юклатиладиган вазифани бажарувчи асарлиги равшан бўлиб қолади.

Дostonнинг тингловчи эътиборини ўзига жалб этувчи нуқтаси бахши томонидан ҳикоя қилинадиган дастлабки воқеалар баёнидан бошланади. Шоир қадимги ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий, Алпинбий, Бойбўри, Бойсари бийлар (уруғ бошлиқлари) ўтганини ҳикоя қилади. Демак, ака-ука Бойбўри ва Бойсаригача Бойсун-Қўнғирот элатидаги ҳаёт бир маромда фавқулodда ҳодисаларсиз кечган экан. Аммо Бойбўри ва Бойсарига келганда, улар фарзанд кўрмадилар. Мана шу ҳолатнинг ўзи бизга “энди нимадир бўлади” деган хабарни бераётгандек туйилади. Бундан кейинги ҳаётда муайян ўзгаришлар бўлишига фарзанд йўқлиги билан тайёргарлик кўрилмоқда. Чунки халқимизда узоқ кутилган ёки Яратгандан тилаб-тилаб олинган фарзанд ҳамиша фавқулodда рўй берадиган янгиликлардан хабар берувчи омил сифатида баҳоланади.

Дoston матнини ўқир эканмиз, халқ оғзаки ижодидаги эпик асарларга хос хусусиятлардан бири – фарзанднинг етишмовчилиги охир пировардида хурсандчилик билан яқунланишига гувоҳ бўламиз. Асарни яратишдан назарда тутилган бош мақсад фарзанд дунёга келганидан кейин бошланади. “Алпомиш”да ҳам Бойбўри ўғил ва қиз кўрди, Бойсари қизли бўлди. Ана шу янгиликдан сўнг қаҳрамонлик эпоси ўз зиммасига юклатилган ижтимоий вазифани бажаришга киришади. Таниқли олимлар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифов бу вазифани қабила уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва мамлакатни бошқарувчи давлат тизимининг вужудга келиши билан боғлайдилар. Бу ғоя кейинчалик М.Саидов томонидан ривожлантирилди. Олимнинг фикрича, мамлакатни бошқарувчи давлатни вужудга келтириш

<sup>13</sup> Саримсоқов Б. “Алпомиш” эпоси ҳақида уч этюд / “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Т.: Фан, 1999. – Б. 115.

ғояси жамият ёшлари Ҳақимбек, Қалдирғоч, Барчин томонидан илгари сурилади. Алпомиш туғилгунга қадар тотув яшаётган эл эндиликда иккига бўлинади. Энди Алпомиш зиммасида бўлинган аҳолини ўз ҳаракати билан бирлаштириш вазифаси туради. Бу вазифани бажариш учун Алпомиш қалмоқ юртига сафар қилиши ва мусофирликда яшаётган юртдошларини Бойсун-Қўнғиротга қайтариши керак. Мазкур мақсадни амалга ошириш режаси бахши томонидан жуда асосли тузилган: Барчинга қалмоқ алплари совчи қўйишади. Барчин хат ёзиб, Алпомишни Қалмоққа чақиради. Аммо Бойбўри ўғлининг ўзга юртга сафар қилишини истамайди. У мактубни сандикқа яширди. Ана шу сабаб билан достон воқеаларининг фаол ривожланиши Қалдирғоч ҳаракатига боғланади. Унинг ташаббуси билан Алпомиш кўрик воситасида Бойчиборга эга бўлади ва отасининг ихтиёрига қарама-қарши равишда Барчинга уйланиш учун Қалмоққа жўнайди. Қалмоқда эса уни катта синов кутаётган эди. Профессор М.Саидов фикрича, бу синовни, аслида, келажакда давлат бошқаришни бўйнига оладиган Алпомиш учун Барчин ўйлаб топади. Унинг мулоҳазасига кўра давлат бошқарувчиси зотдор отга, сифатли ёйга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга у одам жанг санъатини, айни пайтда ёйдан ўқ отишни билиши, жисмонан бақувват бўлиши шарт. Достоннинг биринчи қисми асарни ижод қилган аждодларимиз томонидан қўйилган дастлабки довлонни эгаллаш билан белгиланади. Яъни Алпомиш Бойсун-Қўнғирот аҳолисини бир давлат чегарасида бошқаришни ният қилди ва бу ниятига Қалмоққа кўчиб кетган юртдошларини қайтариш билан эришди.

Алпомиш иккинчи сафарида Сурхайил қўйган тузоққа илинди. Етти йил зиндон азобини бошидан кечиришга мажбур бўлди. Энди Алпомиш Тойчихонни жазолашга ҳақли эди. Достон ижодкорига қойил қолиш керакки, бош қаҳрамоннинг етти йил зиндонда ётиши давомида тингловчини зериктирмасдан кўплаб қизиқтирувчи лавҳаларни ўйлаб топган. Достон билан яқиндан танишган тингловчи ёки матн ўқувчисининг диққати бир дақиқа ҳам бўшашмайди. Аввало, Алпомишнинг зиндонга тушиши, кейинчалик ғоз иштирокидаги лавҳалар, Шакаман тоғидаги кампир ва овчи йигит иштироки, Қоражоннинг дўстини озод қилиш мақсадида Қалмоққа келиши, Тавканинг достон мазмунига аралашуви, Сурхайил ва Тойчи муносабатлари, бозор эпизодлари, Кайқубоднинг Алпомишга ёрдами кабилар шу қадар маҳорат билан тасвирланадики, биз, бир томондан, Алпомиш тақдири гувоҳига айлансак, иккинчи томондан, йирик эпик тасвир якунидаги қаҳрамонлар ҳаракатидан қониқиш ҳосил қиламиз.

Достонда Алпомишнинг ўз оиласига қайтишини тасвирлашда бахши достон эшитаётган тингловчиларга турли йўللار билан ҳаётда зийрак бўлиш керак, деган ўғитни ҳам бериб ўтади. Хусусан, Қултой Алпомишнинг Алпомишлигига ишонмайди. Шундан кейин Алпомиш чап елкасидаги Қултой панжасининг доғини кўрсатади. Шундан кейин Алпомиш Қултой киёфасида юртдошлари билан учрашади. Бу кўринишлар тасвирланган достон саҳифалари худди бадиий фильмдаги экран лавҳаларини эслатади ва ҳар сафар “Қултой”да Алпомиш белгилари намоён бўлади.

Достондаги Барчиной билан боғлиқ воқеалар бахшилар томонидан алоҳида меҳр билан баён этилади. У зукколиги, тадбиркорлиги, донолиги, мардлиги жиҳатдан Алпомишдан қолишмайди. Сурхайил кампир ўғиллари Барчинойни зўрлик билан хотинликка олмоқчи бўлганларида, қиз алплардан бирини кўтариб ерга шундай зарб билан урадики, алпнинг оғзидан кўпик сачрайди. Шундан сўнг алплар Барчинга Алпомишни кутиш учун олти ой муҳлат беришга мажбур бўладилар. Бахши достонда Барчин иштирокини тасвирлашда жуда эҳтиёткорлик билан иш кўради ва уни энг гўзал фазилятларга эга аёл сифатида тасвирлайди.

“Алпомиш” достони бадиий жиҳатдан ҳам мукамал асар. Сиз бадиийлик деганда бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш кўламинигина тушунмаслигингиз лозим. Чунки бадиийлик тушунчасининг ўзи жуда мураккабдир. “Алпомиш” достонида қабила-уруғчилик муносабатларининг тугалланиши ва давлатнинг вужудга келиши акс этган дедик. Масаланинг кўйилиши бошқа, уни бадиий мукамал ҳолда ишонарли қилиб тасвирлаш бошқа. “Алпомиш” достони асарлар давомида халқимизни мардлик, қаҳрамонлик, адолат, иродалик руҳида тарбиялаб келди. Мана шундай вазифани шараф билан бажариб келган асар, албатта, бадиийлик талабига жавоб бера оладиган бўлади, яъни асар ижросини тингловчилар қизиқиш билан қабул қиладилар.

Фозил Йўлдош ўғли моҳир ва тажрибали бахши бўлгани учун асардаги воқеаларни баён қилишда шошилмайди, ҳар бир лавҳа иштирокчиларининг ташқи қиёфасини, ички дунёсини, атрофдаги табиат манзараларини, воқеа-ҳодисаларни изчил таърифлайди. Тингловчи кўз олдида жонли воқеа тасвирини намоён қилади. Асардаги қаҳрамон хатти-ҳаракатларини далиллашга эътибор беради, шунинг учун ҳам достон мазмуни билан боғлиқ ечилмаган жумбоқ қолмайди.

**ЭПОС ВА ЭТНОС** – Қаҳрамонлик эпоси этнослар тақдирининг бадиий инъикоси ҳисобланади. Ҳар бир этносни эпоси орқали таниб, билиш мумкин. Этнос ҳаётида рўй берган оламшумул воқеалар эпос мазмунини ташкил қилади. Эпос этносни танитади. Этносининг ҳаётий тажрибалари, ўтмиш тарихидан уққан сабоқлари, тажрибаларининг қуйма хулосалари эпосда куйланади.

Достондаги ҳар бир образ этноснинг маълум ижтимоий табақа ёки бирор гуруҳининг рамзи сифатида қад ростлаб, уларнинг интилишлари, фикр-ўйлари, тақдирини ҳам ифодалайди. “Алпомиш” ва “Гўрўғли” достонларида Алпомиш ва Гўрўғли – бузилган юртни тузувчи шахс тимсолларидир. Бу хил тузувчи-бунёдкор шахсларда бутун халқ(бўғим) қуввати жамланади. Халқнинг аъмоли юртнинг тузилишига асос бўлса, Алпомиш ва Гўрўғли каби шахслар туғилади. Бу ҳолатга қарама-қарши ўлароқ, этнос манглайига таназзул тамғаси тушса, халқнинг бунёдкорлик қуввати бўлинади. “Алпомиш” достондаги айни кўриниш ахборотини бўғин(учлик) мисолида дастлаб Бойбўри – Бойсари тақдирида, сўнгра бўғим – Бойбўри – Бойсари, Алпомиш – Барчин, Ёдгор (еттилик) кўламида – Кашал подшоси Тойчихон ва тўқсон алп тимсолида бадиий тасвирини кўрамиз.

Бойсун-Қўнғирот таназзулга юз тутганида, Кашал гуллаб яшнарди. Бойсарининг акасидан аразлаб, ўн минг уйли эл билан Кашалга кўчиб келиши Бойсун-Қўнғирот таназзулининг энг қуйи, Кашал этноси ривожининг эса энг юқори кўрсаткичи эди. Шу нуқтадан бошлаб чархнинг Бойсун-Қўнғирот қисми тепага кўтарилади. Кашал бўлаги қуйига инади. Алпомиш Барчин талабида Кашалга борган вақти эса Тойчихон мамлакатада таназзул бухрони авж нуқтасига яқин келган эди.

Ҳар доим этнос таназзулга келган даврда ҳокимият бошида турган шахс етовда қолади. Мамлакат жилови бир неча киши қўлига ўтади. Подшоликда расмий ва норасмий кучнинг сўзи баробар юради. Кўп ҳолларда норасмий кучнинг сўзи босим келади. Тойчихон мамлакатнинг расман ҳукмдори бўлса-да, амалдаги куч-тўқсон алп томонида. Тўқсон алнинг ўдағаси етти ака-ука алп ва уларни орқа қилиб «қонундан ташқари» турган Сурхайил кампирнинг ҳам сўзи – ўктам. Таназзулни тутиб бўлмайди. Уни бир киши, бир авлод ҳосил қилмайди. Аксинча, бир неча авлодлар аъмоли туғдиради(суст-фаол-суст. Бўғин бўғимларнинг даврий алмашинуви) – этноснинг гуноҳу савобига, кармасига қараб юзага чиқади.

Қалмоқ мамлакатада кучларнинг бўлингани Барчин учун бўлган кураш – тўрт шартнинг бажарилиш жараёнида рўй-рост юз кўрсатди. Пойгада Бойсун-Қўнғирот билан Кашалнинг қуввати синовдан ўтади. Аввало, пойгада Қоражон Алпомиш тараф, қолган алплар ўз бошига, Тойчихон номидан уч от қатнашади. Сиртдан қаралса, қалмоқлар ўз-ўзлари билан талашиб-тортишаётгандай таассурот қолади.

Айни шу нуқтада таназзулни бошидан кечираётган этнос ва бу этноснинг таназзул чекига тушган авлоди тақдири, уларнинг турли тоифа ва социал гуруҳларнинг рухий-сиёсий ҳолатлари, миссия, вазифалари аниқлашади.

Эпосда бу жараён Кашал этносининг қуйидаги типлари орқали берилган. I а) Тойчихон. б) Сурхайил кампир. в) Кўкалдош; г) Тўқсон алп. II а) Қоражон. б) Товка ойим. Биринчи гуруҳ Кашал этноси вакиллари Алпомишга қарши курашиб, ўз давлати мавқеини тикламоқчи бўлишади. Иккинчи гуруҳ эса Алпомишга ёрдам бериб, этносга хизмат қилишни афзал билишади.

Юксалиш босқичига чиққан Бойсун-Қўнғиротда ҳам типлар иккига ажралган: 1. Алпомиш, Барчин, Қултой, Қалдирғоч. 2. Ултонтоз, Бойбўри, Бойсари. Бу ўринда биринчи гуруҳ этнос юксалишига камарбаста типлар. Иккинчи гуруҳ манфаатлари эса қарама-қарши ҳаракат сифатида намоён.

Алп этноснинг бунёдкорликка инган бўғимида етилади. Бунёдкор бўғим қувватини ўзида жамловчи алпнинг бичими халқнинг «алплик» ҳақидаги тасаввурлар тизимида туради.

Алп халқнинг адолат ўрнатувчи ботири, идеал қаҳрамони сифатида майдонга чиқади.

### Адабиётлар:

Пр о п п В. Я- Русский героический эпос. М., 1958, с. 5—6

Кр,ранг: М и р з а е в Т. «Алпомиш» достонининг узбек вариантлари. Тошкент, 1968.

Уч варианта нащр этилган: Алпомиш. Айтувчи Фозил Йулдош угли.

Тошкент, 1958; Алпомиш. Берди бахши варианта. Тошкент, 1969; Саидмурод

Паноз^ угли варианты «Одилхон» китобида. Тошкент, 1972, 48—115-бетлар.

Алпамис-батыр. Под ред. М. Ауэзова и И. Смирновой. Алма-Ата, 1961.

С а г и т о в И. Т. Каракалпакский героический эпос. Тошкент, 1962.

Алпамыш. Таджикские варианты текстов. Сталинабад, 1959.

С у р а з а к о в С. С. Об алтайском сказании «Алып-Манаш». Сб. «Об эпосе «Алпамыш». Ташкент, 1959, с. 197—202.

В а л и т о в а А. А. Татарская версия эпоса «Алпамыш». Сб. «Тюрко-монгольское языкознание и фольклористика». М., 1960, с. 173—209.

К и р е е в А. Н. О башкирском эпосе «Алпамыш». Сб. «Вопросы башкирской филологии». М., 1959, с. 52—59.

Ж и р м у н с к и й В. М. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. М., 1960.'

Книга моего Деде Коркута. М.—Л., 1962.

Мирзаев Т. Достонлар гултожи. Алпомиш / Сўзбоши. – Т.: Шарқ НМАК, 1998. – Б. 7-8.

Саримсоқов Б. “Алпомиш” эпоси ҳақида уч этюд / “Алпомиш” – ўзбек халқ қахрамонлик эпоси. – Т.: Фан, 1999. – Б. 115.

### 4-машғулот. Лирик кўшиқлар талқини.

#### РЕЖА:

1. Кўшиқ – лирик жанр.
2. Лирик кўшиқларининг бадий хусусиятлари.
3. Тарихий кўшиқлар.

**1. Кўшиқ – лирик жанр.** Лирик кўшиқлар асосан тўтликлар сифатида шакланган бўлиб, маълум оҳан йўллари уларни ижро жараёнида ўзар бирлаштириб туради. Лирик кўшиқда вазн, оҳанг, куйловчи кечинмаларини, ўй-хаёлларини, ҳиссиётларни ифодаловчи турли бадий кўчимлар кўлланилиб, сўз, оҳанг, куйловчи ва тинловчида туғилувчи хаёлот кўшиқни сўз санъатининг мўъжизасига айлантиради.

Халқ кўшиқларининг бошқа жанрлари каби лирик кўшиқлар ҳам тарихан магик-ритуал аҳамиятга эга бўлиб, маиший-этнографик ҳодисадан бадий-эстетик ҳодисага айлангунча узоқ тадрижий йўлни босиб ўтган. Аммо лирик кўшиқларнинг бу кунги ҳолати ҳаётда яшаётган инсоннинг қувончу ғами, турмуш аччиқ-чучукларини тотиб кўнглидан кечираётган руҳий изтироблари ва ҳаёжонларининг қуйланувчи инъикоси деб айтиш мумкин .

Лирика кўшиқлар ҳам фольклорнинг барча жанрларига тегишли бўлган оғзакилик, жамоавийлик, анъанавийлик, вариантлик қонуниятлари асосида ривожланади, куйланади, кенг омма орасига ёйилади, авлоддан-авлодга ўтиб анъаналашади. Ҳар қандай кўшиқ жамоавий ижод маҳсули. Аммо бу ҳолат эл орасида машҳур таланти, профессионал кўшиқ ижрочилари бўлганлигини, уларнинг ижро маҳорати, иқтидори сабаб кўшиқлар гўзал шаклда бизгача етиб келганлигини инкор қилмайди. Халқ кўшиқчилари қанчалик таланти, бадиҳагўй бўлмасин, анъана қонуниятларига бўйсунганлар. Лирик кўшиқларда устувор кўриниш олган поэтик рамзлар тизими, турли бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиши ва улар асосида юзага чиқувчи воқелик, ҳатто лирик қаҳрамоннинг дунёқараши, қалб кечинмалари ҳам анъанавий характерга эга бўлади. Масалан, халқ лирикасида қизил сифатлаши ҳеч қачон эрларга нисбатан қўлланмайди. Агар қўлланган бўлса, у сунъий ўзгартирилган кўринишдир.

Лирик кўшиқлар пайдо бўлишини айрим мутахассислар феодализм-гача бўлган давр, баъзилар феодализм билан боғлайдилар(14. –С.257). Мустақил лирик кўшиқларнинг жанр сифатидаги пайдо бўлиши, шубҳасиз, тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларига хосдир. «Чунки лирика инсон ўз шахсини таниган, ўзини шахс сифатида англагач, ўзини олам ичра яна бир олам деб билган ва ташқи объектив оламга янгича қараган шароитларда пайдо бўлади»(5. Т.2. –Б.237).

Аммо бу таъриф оғзаки лириканинг пайдо бўлишини тўла таърифлай олмайди. Сабаби юқорида айтилганидек, халқ кўшиғининг лирик қаҳрамони умумлашма типлиги, анъанавий поэтик тафаккур меваси эканлигидадир. Айтайлик, ёр-ёрларда келинчак ҳақида жуда кўп куйлашади. Бу мақтовлар, тилаклар айна пайтдаги келинчакка ҳам, унинг бир пайтлар келин бўлган бувисига ҳам, келажакда келин бўладиган неварасига ҳам тааллуқлидир.

Шубҳасиз халқ лирик кўшиғини нисбатан кейин пайдо бўлган жанр ҳисобланади, аммо унда узок ўтмишнинг излари мавжудлигини, лирика образлари қайта-қайта мушоҳада қилинганлигини, ҳозир ҳам маълум даражада мифологик тафаккур билан боғлиқлигини инкор этмайди. Халқ лирикасининг қадим тассавурлар, маросимлар билан боғлиқлиги унинг жуда қадимийлигини кўрсатади.

Мавзу кўлами бевосита ишқ-муҳаббат кечинмалари бўлган лирик кўшиқлар анъанавий кўшиқ жанрларининг бошқа кўринишларидан фарқли равишда халқ турмушининг барча соҳаларида эркин куйланадиган, ўйин, бирон маросим билан боғлиқ бўлмаган намуналарни қараб олади. Айна пайтда ҳажвий йўналишдаги кўшиқлар ҳам ушбу жанр таркибига киради. Бу жанрда севги мавзуи ва оилавий муносабатлар, турмуш ташвишлари ифодаси биринчи ўринда туради.

Рус фольклоршуноси В.П. Аникин номаросим халқ лирикасининг генезисини: а) лирик сюжетнинг шаклланиши; б) халқ кўшиқларида лирик «мен»нинг пайдо бўлиши; в) маиший турмушнинг поэтиклашуви (поэтик мушоҳада қили-ниши) билан боғлайди(12).

Шу белгилар халқ лирикасининг поэтик асослари бўлиб, улар доимо мавжуд бўлади, рудимент ҳолига тушиб қолмайди. Бу поэтик асосларни эса тарихий илдизлар пайдо қилади. Халқ лирикасини яшнаб турган гулга ўхшатсак, поэтик асослар унинг бизга кўриниб турган қисми, тарихий илдизлар эса томирларини ташкил этади ва анъана уларнинг ҳар иккисини уйғунлаштириб туради.

Ҳозирда халқ кўшиқларини тинглаганимизда, одатда унинг ташқи маъносини, жуда нари борса, поэтик кўчимларга асосланган мазмунини англаймиз. Бироқ халқ кўшиғининг барча ташқи ва ички мазмуний қирраларини изоҳлаш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди. Машҳур халқ кўшиғини кўриб чиқайлик:

*Сунбула-ю сунбула,  
Ўраб олай гул билан.  
Менинг кўнглим сен билан,  
Сен кетасан ким билан,  
Қадамингга гуллар сочилсин.*

Кўшиқнинг ташқи – сўзма-сўз маъноси қуйидагича: Сунбула бадий образ – кўшиқ қаҳрамонининг поэтик жуфти, қаҳрамон уни гулларга буркамоччи, аммо ёр кўнгли бегонада. Шундай бўлса-да, ошиқ фидойилик қилиб, ёр қадамига гуллар сочмоқчи ёки шундай бўлишини астойдил истайди.

Бу бандни тарихий асосларига кўра шарҳласак, Сунбула ойнанинг номи бўлиб, 22 августдан 23 сентябргача бўлган муддатни қамраб олади. Бу айна пишиқчилик даври, сувлар тиниган, мақолда айтил-ганидек, «Сунбуланинг суви – шароб» пайти бўлади. Демак, кўшиқдаги Сунбула балоғатга етган ёр рамзидир. «Сунбула буржи суврати кўлига буғдой бошоғини ушлаб турган киз шаклидадир», - дейди академик Алибек Рустамов шу ой ҳақидаги халқ тасаввурларини ифодалаб.

Қадимий мифологик тафаккурда инсон гулга тенг, гул шаклига эврилиши, яъни айланиши мумкин. Ушбу тасаввурга асосланган поэтик тафаккур инсонни гулга қиёслайди, ўхшатади. Мифо-поэтик тафаккурга кўра кўшиқдаги гул билан ўраб олиш лирик қаҳрамоннинг ўз ёрини кучиш истагини ифодалайди. Ёр қадамига гуллар сочиш ҳам мифологик инонч, из магиясига кўра ёрнинг пойига бош қўйиш билан тенг. Лирик қаҳрамон ёр уни севмаса ҳам унинг йўлларига гуллар сочилишини, унга кўплаб қизлар мафтун бўлишини истайди. Қадимий инончларга кўра, инсоннинг изи ҳам унинг ўрнини босиши мумкин. Шу боис ҳозиргача «Босган изларингдан ўргилай!» ёки «Қадамингизга ҳасанот!» дейиш инсоннинг ўзидан ўргилиш ва инсоннинг ташрифини улуғлашга тенгдир. Бунинг аксича «Қадаминг курсин!», «Изинг ўчсин!» - дейиш инсонга ажал тилашдир. Халқ онгида Сунбула ҳақидаги тасаввурлар, ижодида мақоллар ва афсоналар мавжуд бўлган ва баъзилари бизгача етиб келган. Халқимиз ана шулардан келиб чиқиб, қайта поэтик мушоҳада қилиб, юқоридаги каби бандларни ижод қилган.

*Ўчоқ бошида қумгон,*

*Атрофи баланд қўрган.  
Севганимга етолмай,  
Юрак=бағрим бўлди қон,  
Қадамингда гуллар очилсин...*

*Мен бу ерда ўт ёқсам,  
Андижонда тутун-эй.  
Бу дунёда бормикан,  
Юрак=бағри бутун-эй.  
Бу дунёда бор бўлса,  
Юрак=бағри бутун-эй.  
Қоғоздан қозон ясай,  
Гулдан қилай ўтин-эй,*

Маълум бўлмоқдаки, лирик қўшиқларда келувчи образлар тизими инсон кечинмалари халқнинг кўп асрлик тасаввурлари, мифологик қарашлари, одат ва удумларига чамбарчас боғлиқ равишда ўта поэтик кўринишларда ифодаланади.

**2. Лирик қўшиқларининг бадий хусусиятлари.** Лирик қўшиқ хажмининг кичиклиги матндаги ҳар бир сўз зиммасига бошқа жанрларга нисбатан ортиқроқ бадий “юк” беради. Поэтик санъатлар орасида рамз биргина сўз орқали кенг мазмун ифодалаш имкониятига эга. Бу эса айнан қўшиқ жанрининг талабларига мос келади. Лирик қўшиқларда рамзнинг бошқа поэтик санъатларга нисбатан кенг қўлланилишини шу сабаб билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Поэтик рамз қўшиқлардаги мавҳум тушунчаларни, англатиш қийин бўлган нозик туйғуларни, турли руҳий ҳолатларни бир ёки бир неча сўз орқали ифодалаш имкониятини беради. Қўшиқнинг оҳангдорлигини таъминлайди, бадий қимматини оширади.

Лирик қўшиқларда қўлланилувчи поэтик рамзнинг икки муҳим типини ажратиш кўрсатиш мумкин: **1. Ўзак рамзлар.** **2. Вазият рамзлар.**

**Ўзак рамзлар.** Рамзий образларнинг бу икки типини қарама-қарши кутблар сифатида қарамаслик лозим. Улар қўшиқнинг жонли ижро жараёни давомида бир-бирини тўлдиради, бири иккинчиси билан чамбарчас боғлиқ юради.

Рамзий образнинг барча қўшиқлар учун умумий бўлган анъанавий туб поэтик маъноли шакли ўзак рамз ҳисобланади. “Ўзак” атамаси тилшуносликдан олинган. Маълумки, аглютинатив тиллар (жумладан, ўзбек тили)да сўз асосини ўзак ташкил этади. Ўзакка турли сўз ясовчи қўшимчалар бирикиб янги маъноли сўзлар ҳосил бўлади. Синтактик муносабатни билдирувчи қўшимчалар эса сўзларни бир-бирига боғловчи восита вазифасини бажаради. Тилдаги ўзак сўз каби ўзак рамз ҳам муайян матнда турли сифат, белгилар билан келиб ўз поэтик маъносини у ёки бу тарзда кенгайтиради, ойдинлаштиради. Масалан: рўмол образининг барча қўшиқлар учун туб рамзий маъноси “ оила”. Аммо рўмол у ёки бу қўшиқ



таркибида турли сифат, ҳолатларда тасвирланади. Мисол учун ушбу тўртликни олиб кўрайлик:

*Рўмолини ювдирдим, омон ёр,  
Қора толга илдирдим, омон ёр.  
Қора толи қурисин, омон ёр,  
Қароқчига олдирдим, омон ёр.*

Қўшиқ таркибида ўзак рамзлар: “рўмол” – оила, “тол” – ошиқ йигит туб рамзий маънога эга. “Рўмолимни ювдирдим” мисрасида “ювдирдим”, “қора толга илдирдим” мисрасидаги “илдирдим” ўзак рамз “қўшимча”лари ҳисобланиб, бу сўзлар рамзий образнинг ушбу қўшиқдаги бадий мазмунини янада аниқлашувига ёрдам бермоқда. Матнда “қўшимча”лар ўзак рамз маъноси билан боғлиқ рамзий мазмун олмоқда. Яъни: “ювилган рўмол толга илинди”, лирик қаҳрамон – маъшуқа “ошиқ йигитга ишониб, унга ўз қалбини бағишлади. Ширин оила, бахтли турмуш қурамиз, деб ўйлади. Лекин маъшук бевафолик қилди. Маъшуқа: “Қора толи қурисин, қароқчига олдирдим” деб “рўмолидан” – “оила ҳақидаги ширин орзу-истакларидан айрилганлигини” кўйламоқда. Қўшиқда “рўмол” туб ўзак маъносини “қўшимча”лар ёрдамида кенгайтириб, “оила ҳақидаги ўй, севги” поэтик маънога эга бўлмоқда. “Тол” анъанавий “ошиқ” маъносида келмоқда.

Ўзак рамз лирик қўшиқларда қўлланилувчи асосий рамз бўлиб, унинг етакчи хоссалари сифатида қуйидагиларни санаш мумкин: **а)** ўзак рамз асрлар давомида шаклланиб, тарихан халқнинг қадимий миф, турли эътиқодий дунёқарашларига бориб боғланади. Чунки “Ҳар қандай миф рамз, лекин ҳамма рамзлар миф эмас” (А.Ф.Лосев); **б)** ўзак рамз барқарор шакл ва мазмунга эга; **в)** ўзак рамз поэтик маъноси образ ичида яширин келади. Муайян матнда бу яширин поэтик маъно халқнинг ушбу образ ҳақидаги тасаввур, тушунчалари асосида англашилади; **г)** рамз образнинг поэтик ва луғавий маъноси ўртасида билвосита боғланиш мавжуд. Образ билан боғлиқ тасаввурлар унутилса рамзий маъно англамай қолади; **д)** ўзак рамзнинг туб маъноси муайян матнда рамзий “қўшимча”лар воситасида ўз маъно кўламини у ёки бу даражада кенгайтиради. Баъзи ҳолатларда ўзак маънога бевосита боғлиқ янги поэтик маъно ҳосил бўлиши мумкин.

Ўзбек халқ лирик қўшиқларида айни хусусиятларга эга ўзак рамзлар асосан уч хил шаклда учрайди: 1. *Соф лексик бирлик шаклидаги ўзак рамзлар.* 2) *Бирикма кўринишидаги ўзак рамзлар.* 3. *Гап тузилишидаги ўзак рамзлар.*

Соф лексик бирлик шаклидаги ўзак рамзлар биргина сўздан иборат бўлиб, бошқа тур рамзларга нисбатан кенг қўлланилади. Бу тур ўзак рамзларга рўмол, тоғ, тол, том, сув, дарё, ғоз, ўрдак, қарға, турна, олма, бозор, хол, тамаки, илон, соч, оқ, қизил, қора, сариқ ва бошқа образлар киради.

Бирикма кўринишидаги ўзак рамзлар асосан икки сўздан ташкил топган бўлиб, кўпчилик ҳолатларда соф лексик бирлик сифатида келувчи икки мустақил рамз бирикиб яхлит ўзак рамз шаклида келади; қизил гул, қизил олма, оқ олма, оқ илон, қора тол, қора соч кабилар. Бу хил

кўринишдаги рамзларда поэтик маъно ҳар иккала рамз маъноларининг йиғиндисидан иборат бўлади. Масалан:

*Оқ олма, қизил олма пишмас экан,  
Икки яхши бир ерга тушмас экан.  
Икки яхши бир ерга тушганида,  
Умрининг ўтганини билмас экан.*

Бу тўртликда келаётган “оқ олма”, “қизил олма” рамзий бирикмаларни ташкил этувчи оқ, қизил, олма образларининг ҳар бири мустақил ўзак рамз. Оқнинг бирламчи ўзак маъноси эр киши, йигит. Қизил “аёл, қиз” рамзий маънога эга. “Олма” рамзи бу ўринда “севги, муҳаббат” маъносида келган. Биз ана шу асосда Оқ олмани йигит, қизил олмани қиз севгиси маънода келаётганлиги англаймиз. Кўшиқда бир-бирига муносиб, йигит ва қиз севгиси, ҳамма вақт ҳам муродига ета олмас экан. Агар улар қовушса, армонлари қолмай, бахтли яшашар эди, деб куйланмоқда.

Ўзак рамзнинг гап тузилишидаги кўриниши икки ёки ундан ортик сўзлардан ташкил топиб, асосан кўшиқларнинг дастлабки мисраларида намоён бўлади. Бу кўринишдаги рамзларга “чопонимнинг енги тор”, “беқасам тўн қилдим, бир енгини тор қилдим”, “ҳовуз бўйини ўйдим”, “Ариқ бўйини ўйдим”, “музни тешдим, сувни ичдим, лой эконин билмадим”, “Ариқ бўйи лой экан”, “сув бўйида ўтириб сувни лойлатманг, тўрам” каби мисралардаги “тор енг”, “ҳовуз ёки ариқ бўйининг ўйилиши”, “сувнинг лойқаланиши” каби бирикмаларни келтириш мумкин. Масалан, “сувнинг лойқаланиши” билан боғлиқ тўртликни кўриб чиқайлик:

*Музни тешдим, сувни ичдим, лой эканин билмадим,  
Кўпни кўрдим, бирни севдим, ёри борин билмадим.  
Кўпни кўрган бирни севган кимни олдинг ёнингга,  
Биз тагин бир ёр кутиб, ўтлар ёқайлик жонингга*

мисраларида айтилганидек, “музни тешдим – кўпни кўрдим, сувни ичдим – бирни севдим, лой эканин билмадим – ёри борин билмадим” поэтик маъносига уйғун келади. Демак, сувнинг лойқаланиши – муҳаббатнинг поймол бўлиши хиёнат экан.

Ўзак рамзнинг гап тузилишидаги кўриниши соф лексик бирлик ва бирикма кўринишидаги рамзларга нисбатан ихчам, барқарор шаклга эга эмас. Уларда сўзнинг поэтик ва луғавий маъноси ўртасидаги боғлиқлик рамзий мазмунни англашда восита бўлади. Шу жиҳати билан гап тузилишидаги ўзак рамзлар вазият рамзларга яқин туради. Ҳар бир гап тузилишидаги ўзак рамз тарихига қаралса, уларнинг вазият рамзлар асосида ўсиб чиққанлигини кўришимиз мумкин. Уларни ўзак рамз ва вазият рамзларнинг оралиғидаги ўзига хос босқич эканлигини кузатиш мумкин. Даврлар ўтиши давомида улар соф лексик бирлик ва бирикма кўринишидаги рамзий образларга айланиши мумкин. Соф лексик бирлик ва бирикма шаклидаги ўзак рамзлар таркибида бевосита табиий қиёс асосидапайдо бўлган рамзлар ана шу тараққиёт йўлини босиб ўтишган.

**Вазият рамзлар.** лирик кўшиқларда инсон табиатнинг турфа иқлимлари, унинг турли туйғу, орзу-интилишлари қисқа ва содда шаклда

ифодаланади. Бу ифода аксарият ҳолатларда табиат лавҳалари билан инсон ҳаётига боғлиқ мотивларнинг параллел берилиши орқали реаллашади. Инсон табиатдан ўз руҳиятининг ифодасини авлоддан-авлодга ўтиб келаётган турли тасаввур-тушинчалар кундалик кузатишлар, тажриба ва билимлар орқали ажратиб олади. Ушбу жараён инсоннинг онг ости замиридаги “улкан билим” билан бевосита боғлиқ кечади. Айни жараёнда инсоннинг тасаввури, кузатиши, билимларининг ҳосиласи турли нарса ва предметларни кўнглининг қиёсий ифодачисига айлантиради. Натижада табиат ва қалб ҳодисалар ўртасидаги ички уйғунлик асосида янги рамзлар, образлар туғилади. Вазият рамзлар айнан ушбу уйғунликнинг маҳсулидир. Масалан:

*Ўчоқ бошида қумғон,  
Атрофи баланд қўрғон.}А  
Ёрғинамга етолмай,  
Юрак бағрим бўлди қон}Б  
Қадамизда гуллар очилсин.*

Келтирилган тўртликда табиий тасвир ўз ҳолича вазият рамзни юзага келтираётгани йўқ: бу тасвир (А) лирик қаҳрамон ҳаётига тегишли мотив (Б) билан қиёс қилинмоқда. Натижада табиат тасвири рамзийлик касб этмоқда. Қўшиқдаги “қумғон” ва “қўрғон” образларини вазият рамзга айлантормоқда. Қумғоннинг қоралиги, оловда куяётгани, қўрғоннинг баланд ва чиқиб бўлмаслиги замирида лирик қаҳрамоннинг ҳаёти, дарди, орзу-армонлари умумлашмоқда. Қумғон унинг юраги – барбод бўлган севгиси, амалга ошмай қолган умидлари. Қўрғон уни шу ҳолга солган, орзу-умидларига зид бўлган кучларнинг рамзий ифодачисига айланмоқда. Бу ўринда лирик қаҳрамон ҳеч қандай қўрғон ичида, ўчоқ бошида ўтиргани йўқ. У ёт кучлар тазйиқида севган кишисидан айрилганлиги, севганига етишолмаслигини, соғинчини куйлаяпти холос.

Қўшиқ инсон руҳиятининг оинаси. Оина сирлари рамзий образлар замирида яширин келади. Рамзий образ имуқуқи илғансагина қўшиқда ифодаланган мазмун англанади.

Халқ қўшиқлардаги рамзлар маъносини билмаслик уларда ифодаланган асл мазмунга парда тортиб, анъанадан узилган авлод учун бегона, тушунарсиз ҳодисага айлантиради. Ана шу ўринда илмий тадқиқот, изоҳ ва талқинларга эҳтиёж туғилади. Хусусан бугунги глобаллашув даврида рамзларни тушиниш эҳтиёжи долзарб муаммога айланди. XX аср мутафаккирларидан бири Э.Фромм кенг маънода “рамзлар тили” борасида сўзлар экан: “Мен шунинг учун ҳам рамзларни тушинишни мактаб ва коллежларда худди чет тилларни ўргатгандек ўқитиш лозим, деб ҳисоблайман. Чунки рамзлар инсониятнинг онг ости – кўнгил тубининг меваси ҳисобланади”. Инсоннинг кўнгил тубидаги “ҳазина”даги рамз, тимсоллар жами тириклик – бир ҳужайрали мавжудод, набатоту хайвонотдан тортиб одамзотгача табиий боғланган “улкан билим”дан баҳра олиб ижод қилган. Фольклор, умуман халқ ижодиётининг барча турлари ана шу “ҳазина”дан қувват олиб, унади, ўсади. Бахши-шоир, қўшиқчи илҳом онлари “эскилар изидан” бориб, ушбу ҳазина “бойликлари”дан баҳра олади. Бу ҳолат

бошқа мавжудодларнинг тўдалашиб мавсумий кўчишларда “тўда қуввати” билан инстинктив “улкан билим” – йўлчи юлдузга боғланиб, керакли манзилларини адашмай йўл топишларига, яшашларига уйғун келади. Олимлар тўдасидан ажралган “ёлғиз” ҳамиша йўлдан адашиб, “улкан билим”дан бебаҳра қолганлигини кузатишган. Бахши шоирлар ҳам анъанадан чекиниб, индивидуал ижодга ўтса, ўзи дoston-қўшиқ ижод қилса, кўпинча “адашиб” ора йўлда қолиб кетиши шундан. Бунга кўпчилик бахши шомрларнинг шўро давридаги муаллифлик термалари ёрқин мисол бўлиб турибди. Ёки халқона йўлга тақлидан ёзилган аксарият асарларнинг шакли олиб, қалбсиз қолиши, бадий саёзлиги ҳам сабаб ушбу қонуниятда изоҳ топади. Худди шунингдек халқ ижодиётида анъанадан узилган авлод ва шахс ҳам халқона рамз ва образларни тушунмай қийналади. Шу маънода Э.Фромм рамзлар тилини мактабларда чет тилини ўргатгандай ўқитиш керак, деганда ҳақлидир.

Биз юқорида рамз тушинчаси борасида қисман тўхталдик. Айтилган фикр мулоҳазалар навбатдаги мақолаларда берилувчи рамзий образлар маъно мазмунини яқиндан англашга ёрдам беради, деб ўйладик. Рамзлар қўшиқлар мазмунинг тушинишда бир калит. Калит қопқани очади. Қопқадан кириш, ҳазинага эга бўлиш, очгувчига боғлиқ. Ҳар қандай бойлик қадрланса баҳоси билинади. Баҳосини олган нимаики бор, янгидан туғилиб, қайта қувватга киради.

Қўшиқда лирик қаҳрамон айрилиқ, ҳижрон дардида ўртаниб, ёри, ота-онаси, дўсту биродарлари ва ё элидан хабар кутиб, бахтига, севгисига – ғайирлик қилган бўхтонлардан куйиниб куйлаганда, унинг “хабар” билан боғлиқ ички кечинмалари, ўй-туйғуларини ифодалашда восита бўлган образларни мазмунига кўра “хабарчи” рамзлар ҳисобланади. Қўшиқда хабарчи рамз сифатида қарға, ғоз, ўрдак, турна, қалдирғоч каби қушлар образи келади. Фақат XX асрда яратилган бир қатор намуналарда бу вазифани қушга шаклан ўхшаш – самолёт ҳам бажарган.

Лирик қўшиқлар таркибида рўмол – оила; олма – фарзанд, севги; том – турмуш қуриш; тол –йигит; тоғ – суянчиқ; ота-она, яқин қариндош, дўст; шафтоли – ўткинчи муҳаббат; қизил қиз, аёл; оқ – эр киши; қора – мотам; сариқ – айрилиқ, ҳижрон, ясама хол – хиёнат туб рамзий маъноларига эга.

**3.Тарихий қўшиқлар.** Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги тарихий қўшиқлар бевосита бугунги кун репертуарида нисбатан кам учрайдиган ижро намунасидир. Ўтмишда тарихий қўшиқлар оммавий жанр ҳисобланганига шубҳа йўқ. Бир томондан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғоти-т-турк» асаридаги Алп Эртўнга марсияларини ҳам тарихий қўшиқлар сирасига қўшиш мумкин.

XX аср бошларида Намоз бошлаган ҳаракатлар халқ тилида дoston бўлган. Намоз ёки Ниёзга бағишлаб қўшиқлар вужудга келган. Кейинчалик Исфандиёр ва унинг амалдорлари кирдикорларини фоз этувчи тўртликлар яратилган:

*Исфандиёр хон бўлди,*

*Бағримиз тўла қон бўлди.  
Азроилдан кам эмас,  
Олажаги жон бўлди.*

Бу тўртликлар халқ ижтимоий ҳаётининг ҳамроҳи бўлди. Тарихий вазиятга нисбатан ифодаланган ғазаб ва хонга нисбатан нафрат замонга халқ берган баҳо даражасида эди. Аниқроғи, жазолов ҳукми бўлиб жаранглади.

Умуман, XX асрнинг 15-25 - йиллари ўртасида яратилган тарихий қўшиқлар сон жиҳатдан кўп, сифат жиҳатдан мазмунли эди. Эҳтимол, бу ҳолат юртимиз тарихига оид турли йўналишдаги тарихий воқеаларнинг кўп рўй берганига боғлиқдир. Исфандиёр, Саид Аҳмад, Николай каби подшоҳ ва хонларнинг адолатсизлиги ва босқинчилик урушларига бўлган кескин кораловчи айблар мазкур қўшиқларнинг бош мазмунини ташкил қилди.

Шундай қилиб, тарихий қўшиқлар бевосита аниқ воқеа ҳодиса ёки аниқ қаҳрамон иштирок этган тарихий давр ҳақида яратилган асар намунаси ҳисобланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – T., “Musiqqa”, 2010
2. Madayev O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. T.: “Mumtoz so'z”, 2010
3. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. - Т., 1959.
4. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. - Т.: Фан, 1974.
5. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т.: Фан, 2010.

#### **5- амалий машғулот. Халқ мақоллари, топишмоқлар ва чалдирмоқ жанри.**

##### **РЕЖА:**

1. Мақол – оғзаки ижоднинг энг фаол жанри.
2. Мақолларда ўз ва кўчма маъно.
3. Топишмоқларнинг жанр хусусиятлари ва бадиияти.
4. Чалдирмоқ жанрининг ўзига хос хусусиятлари

Фольклоршунос олимлар мақоллар ва маталларни ўрганувчи соҳани паремиология деб аташади. Паремия – юнонча чуқур маъноли гап, ҳикматли сўз, ибора, мақол, матал маъносини беради.

**1. Мақол – оғзаки ижоднинг энг фаол жанри.** Мақол деб халқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-маиший тажрибаси умумлашган бадиий, образли мулоҳазалардан иборат ҳикматли сўзларга айтилади. Мақол ўзбек тилида мақол, тожикларда зарбулмасал, русларда пословица, арабларда (жонли сўзлашувда) нақл, туркларда ата сўзи атамаси билан юритилади. Мақол атамси арабча [قول] – қавлун – гапирмоқ, айтмоқ сўзидан олинган.

Мақолларнинг жанр хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Мақолларнинг ҳажми қисқа ва чекланган.

2. Мақоллар мазмунан серкўлам ва чуқур маънони ифодалайди.  
3. Халқ мақоллари шаклан шеърий ва насрий бўлади. Аммо насрий мақоллар ҳам шеърий мисраларни эслатади. Масалан: Кўза кунда эмас, кунида синади.

4. Мақолларда ҳаётий воқеа-ҳодиса ҳақида қатъий ҳукм ифоланади. Бу ҳукм мусбат ёки манфий мазмунда акс этади.

5. Мақол шахс ҳаётидаги хусусий вазиятни халқ, омма, ҳаёт нуқтаи назардан умумлаштиради.

6. Мақол матни тилшуносликда шахси умумлашган гап ҳисобланади.

Халқ мақоллари тарихи ўнлаб асрлар билан ўлчанади. Ўрхун-Энасой битигларида “Ориқ ва семиз буқани (бирова) тезагидан билса, биров ориқ ва семиз буқани ажрата олмайди”, “Юпқа қалин бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир эмиш, ингичка йўғон бўлса, узадиган баҳодир эмиш” каби мақолни эслатувчи парчаларни ўқиймиз.

Мақол - оғзаки ижоднинг энг фаол жанри. Халқ мақолларининг мазмун кўлами инсон ҳаётининг турли соҳаларини қамрайди. Инсон ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларнинг чеки йўқ экан, мақоллар мазмуни чегарасини ҳам ўлчаб бўлмайди. Маиший ҳаётдаги кичик бир эътиборга арзимайдигандек кўринувчи лавҳадан тортиб чуқур фалсафий мушоҳада ифодасигача мақоллар мазмунида ўз аксини топган. Агар “Уйга палос ярашур, хотинга либос” мақоли маиший ҳаётга тааллуқли бўлса, “Ёзда миянг қайнаса, қишда қозонинг қайнар” мақолида вақтни бекор ўтказмаслик, ақл билан иш кўриш инсонга ҳаёт имконини яратиши қайд этилади, “Вақтинг кетди – бахтинг кетди” мақолида эса фалсафий мазмун ифодаланган бўлиб, инсон тақдирида Вақт тушунчасининг қанчалар муҳим эканлиги таъкидланган.

Мақолларни тасниф қилишнинг бир турида мазмун етакчи ҳисобланади. Унга кўра Ватан, меҳнат, халқ, илм-хунар, мардлик, меҳмон, тадбиркорлик, муҳаббат ва вафо, яхши сўз – жами 30 га яқин мавзулар қайд этилган. Аммо бу мавзуларни яна кўпайтириш ҳам, камайитириш ҳам мумкин. Муҳими, мазмун етакчи бўлган таснифда масалани ҳар томонлама ифодалашга уриниш аниқ сезилади.

Халқ оғзаки ижодидаги мақоллар жанри тарихий ҳаёт давомида сон ва мазмун жиҳатдан бойиш хусусиятига эга. Яъни мақоллар замон ўтиши билан истеъмолдан чиқиши ва айни пайтда янги-янги намуналари вужудга келиши мумкин.

**2. Мақолларда ўз ва кўчма маъно.** Мақоллар ўз ва кўчма маъноларга эга бўлиши билан яна ҳам диққатга сазовордир. “Ёмон хотин олгунча, бўйдоқ юрган яхшироқ”, “Қизи борнинг нози бор”, “Қуда бўлгунча, кўп синаш, куда бўлгач, кўп сийлаш” каби мақоллар ўз маъносида қўлланади. Айрим мақоллар фақат кўчма маънода қўлланади. “Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи кимирамас”, “Эгрининг омочи ерга ботмас”, “Ўтин айирган болта майдонда қолар” каби мақоллар билан танишганимизда кўчма маъно яширинганини ҳис қиламиз.

Халқ мақолларининг бадиий жиҳатдан мукамаллиги таниқли олимлар ва шоир, ёзувчилар томонидан тан олинган. Бу жиҳатдан мақоллар сўз

санъатининг олий намунаси сифатида баҳоланишга лойиқ. Ҳажм жиҳатдан кичиклиги, мазмунан сермаънолиги, мавзу жиҳатдан ҳаётийлиги мақолларнинг асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб яшашини таъминлаган омиллардир.

Айни чоқда бадий гўзалликнинг бевосита сўз танлаш, тасвир воситаларидан унумли фойдаланиш жиҳатлари ҳам бор. Уларнинг айримларини эсга олиб ўтамиз:

1. Қаршилантириш (тазод).

*“Яхшидан боғ қолар, ёмондан доғ”.*

Бу мақолда “яхши”, “ёмон”; “боғ”, “доғ” сўзлари қарама-қарши маъноларни билдиради ва шу билан бирга “боғ” – “доғ” сўзлари чиройли қофияни таъминлайди.

2. Товушдошлик (аллитерация, ассонанс).

*“Бой бойга боқар, сув сойга оқар”.*

Мақолда “Б”, “Й”, “Р”, “С” каби ундош товушлар аллитерация – ундош товушлар уйғунлигини, “О”, “А”лар эса ассонанс – унли товушлар ўхшашлигини кўрсатади ва мақол қимматини оширади.

3. Метафора – кўчим (истиора).

*“Отнинг яғири тойга қолар”.*

Бу мақолда “от” сўзидан қариндош-уруғчиликдаги катта авлод вакилининг рамзи сифатида фойдаланилган.

Халқ мақоллари шакл ва мазмун жиҳатдан маталларга яқин жанр ҳисобланади. Маталлар ҳам ихчам матнга эга эканлиги билан мақолга ўхшайди. Матал, одатда, нотик нутқи таркибий қисмини ташкил этади, аммо мустақил қўлланганда тугал фикр англатмайди. Масалан, халқимизда “Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан қилич қинидан чиқар” деган мақол бор. Агар мақолнинг ярим матнини “Фалончи илон инидан чиқадиган қилиб гапирди” тарзида қўлласак, биз матал айтган бўламиз ва “Фалончи яхши гапирди” маъносини билдирамыз. Чунки “илон инидан чиқадиган” сўз бирикмаси алоҳида айтилса, мустақил маъно англатмайди. Маълум бўладики, матал шахс нутқини гўзаллаштириш учун хизмат қилар экан, холос. Мақол эса маталдан мустақил маъно ифодамай олиш хусусияти билан фарқланади.

**3. Топишмоқ паримик жанр сифатида.** Топишмоқлар ҳажми ва шаклига кўра мақолларга ўхшайди. Баъзан мазмунига кўра ҳам яқинлик сезилади. Аммо яратилиш мақсади бошқа ҳисобланади. Жанрнинг номланишига эътибор беринг. “Топ” сўзининг талаффуз этилишиданок ўйла, ахтар, солиштир, изла маънолари етакчилик қилади. Унга “иш” кўшимчаси қўшилганда, вазифа аниқлашади: “-моқ” ҳаракат номи кўшимчасидан кейин “қўлингдан келса”, “эпласанг”, “уддалай олсанг” тушунчалари ифодаланади. Топишмоқларнинг куйидаги жанр хусусиятлари бор:

1. Ҳажм жиҳатдан қисқа ва ихчам.

2. Шаклан шеърий, насрий кўринишга эга.

3. Яратилиш мақсадида матнда яширинган нарсани топиш вазифаси қўйилади.

4. Мазмунида ҳайвонот, ўсимлик, коинот, маиший ҳаётдаги нарсаларнинг хусусиятлари яширин тарзда ифодаланади, уни топишга даъват этилади.

5. Топилиши лозим бўлган нарса, кўпинча, битта, баъзан икки ва ундан ортиқ миқдорга эга бўлади.

6. Топишмоқларда қўлланган асосий бадиий санъат истиора (метафора) ҳисобланади.

Топишмоқларда топилиши лозим бўлган нарсанинг шакли, ҳажми, ранги, вазифаси ва шу каби хусусиятлари ҳақида маълумот берилади, аммо бу белгилар истиора санъатидан фойдаланилган ҳолда бошқа нарса билан боғланади. Масалан:

*Қопча,  
Қопча ичида унча,  
Унча ичида устунча.*

Бу мантида яширинган нарсанинг учта белгиси учта истиора воситасида берилган. Демак, унинг шакли қопга, ичидаги қисми унга ўхшатишмоқда. Фақат ун ўртасида устуни ҳам бор экан. Топишмоқни топаётган одам матнда жийда ҳақида гап кетаётганини топса, фикрий мусобақада енган бўлади.

Топишмоқнинг пайдо бўлиши ҳақида фольклоршуносликда аниқ далилий маълумотлар йўқ. Айрим олимлар унинг қадимий эканини қайд қиладилар. Аммо мақоллар намуналари кўплаб келтирилган “Девону луғотит турк” асарида топишмоқ матни учрамайди. Шу билан бирга «табзуғ» - топишмоқ эканлиги қайд этилган.

Одатда, топишмоқлар халқ ҳаётининг ҳамма соҳаларини эгаллагани билан ҳам диққатга сазовор. Маиший ҳаётдаги, ижтимоий муҳитдаги муносабатлар топишмоқ мавзуларида ўз ифодасини топади. Кўрпа, кулф, қозондан тортиб қози, судхўрларнинг кирдикорларигача топишмоқларда акс этиши мумкин. Халқ топишмоқларини мукамал ўрганган Зубайда Ҳусаинова 1981 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан эълон қилинган “Топишмоқлар” китобидаги матнларни тартиблаштиришда уларни йирик икки гуруҳга ажратади: “Анъанавий топишмоқлар” ва “Янги топишмоқлар”. Биринчи гуруҳда Осмон, ер, сув; табиат ҳодисалари, йил фасли ва мавсум; одам, унинг аъзолари ва хислатлари – жами 21 мавзу жамланади. Янги топишмоқларда электротехника, радиотехника, мактаб ва ўқув қуроллари – жами 9 мавзу жамланган. Маълум бўладики, топишмоқларда акс этмаган мавзунинг ўзи йўқ экан.

Халқ орасида яшаб келаётган топишмоқлар бир жумбоқли ва кўп жумбоқли бўлиши мумкин. Аммо шундай топишмоқлар ҳам борки, уларга жавоб бериш учун икки ва ундан ортиқ нарсаларни эслашга тўғри келади:

- *Тогда талаймонни кўрдим,*
- *Сувда сулаймонни кўрдим.*
- *Тузсиз тишган ошни кўрдим,*
- *Юмалаб ётган тошни кўрдим.*



Бу топишмоқдаги тўрт мисрада тўртта нарса яширинган. Биринчисида бўри, иккинчисида балиқ, учинчисида сумалак, тўртинчисида тошбақа сўзлари яширинган.

Халқ оғзаки ижодидаги топишмоқлар бадий жиҳатдан ҳам сўз санъати ҳисобланган адабиётда қўлланган жуда кўп санъатларга бой. Бу санъатларнинг топишмоқда учрайдиган энг оммавийси истиорадир. Ойна – кўз, илон – соч, қизил тойчоқ – тил каби ўнлаб мисолларда истиора санъати келган.

#### **4. Чалдирмоқ жанрининг ўзига хос хусусиятлари**

Яқин вақларгача чалдирмоқлар топишмоқ жанри таркибида қаралиб, баҳоланиб келди. Қадимда чалдирмоқ ўй шаклида амал қилган. Чалдирмоқни кўпчилик, икки киши ўйнаса ҳам бўлади. Ўйин аввалида шарт белгилаб олинади. Олайлик, ким енгилса, маълум жойгача елкасида кўтариб бориб келиш ёки бошқа бирор шарт айтилади. Шундан кейин келишув билан ҳарфлардан бири чалдирмоқ қуювчи бошқаси ечувчи бўлади. Масалан шундай чалдирмоқ айтилади:

– Бир йигит отига бир қизни мингаштириб кетаётган экан. Олдидан бир тўп лакак(чиллак) ўйнаётган болалар чиқибди. Шунда болалардан бири шерикларига: “Қаранглар, ҳов йигит бировнинг қизини олиб қочиб кетаяпти”, – дебди. Бу гапни эшитиб отга мингашган қиз ўша болага жавоб қилибди:

– Жонимнинг жононаси,  
Бошимнинг парвонаси,  
Бу йигитнинг онаси,  
Менинг онам қайнонаси.

Рақиб маълум муддат ичида жавобни айтиши керак. Мабодо у йигит қизга оға эканлигини топди. Шундан кейин шарт бажарилади. Кейинги чалдирмоқ айтиш навбати ечган болага келади ва ўйин ушбу тартибда давом қилади.

Юзаки қараганда бирор-бир фикр, нарса, ҳодиса ва маълум рақам, миқдорнинг чалғитиб айтилиши, рақибдан унинг ечимини топиш талаб этилиши чалдирмоқларни топишмоққа яқинлаштиради. Лекин чалдирмоқнинг айтилиш жараёни, етакчи хусусиятлари, поэтик қурилиши топишмоқдан фарқ қилади. Фарқ, аввало чалдирмоқнинг ўйин таркибида келишида кўринади. Топишмоқларнинг бугунги ҳолати бевосита ҳаракатли ўйин билан боғлиқ эмас.

Топишмоқлар ихчам, лўнда шеърӣй шаклга эга. Уларда вазият. Ҳолат батафсил изоҳланмайди. Персонажларнинг ўзаро савол жавоблари батафсил берилмайди. Чалдирмоқда вазият тўлиқ тушунтирилади. Иштирокчи персонажлар савол-жавоблари айтилади ва шу савол-жавобда чалғитиб берилган мазмунни ечиш талаб қилинади. Топишмоқда бу тартибдаги талаб йўқ.

Чалдирмоқнинг ижро ўрни ва поэтик қурилишини қуйидаги тартибда баён этиш мумкин:

1. Маълум вазиятнинг баён этилиши. Савол-жавобнинг берилиши. Ечимнинг талаб қилиниши.

2. Ечим.

3. Топишмоқ асосан шеърӣй шаклга эга. Чалдирмоқлар деярли насрий кўринишда, баъзан савол-жавоблар шеърда айтилиши мумкин.

4. Топишмоқда маъно яширилса, чалдирмоқда чалғитилиб берилади.

5. Топишмоқда нарса турли қиёс, ўхшатиш, ташбеҳларда яшириб айтилади. Масалан:

Сув ичар кўлдан,  
Кўзлари нурдан,  
Териси пулдан. (Балиқ)

Чалдирмоқда чалғитиб берилаётган фикр, нарса-ҳодисалар савол-жавобнинг мантиқий мушоҳадаси орқали худди математик масаладек ечилади. Чалдирмоқда топишмоқдек образлилик йўқ.

Масалан: “Йигит-қиз бир-бирини яхши кўрар экан. Баъзида ота-оналаридан бекитикча учрашиб туришар экан. Бир кун йигит қизнинг олдига синглисини жўнатиб, учрашувга чақириб чиқ, дебди. Ўзи аввалдан белгиланган жойга кетибди. Нимагадир севгилиси айтилган жойга чиқмабди. Йигит уйига қайтиб келиб синглисидан, нима бўлди? – деб сўраса, сингил:

– Бордим йўқ экан,  
Айтдим, келади.  
Келмаса эди,  
Келарди.  
Келибди,  
Келмабди-да, – дейди.  
Сингил нима деган?– еч.”

Жавоб: Қизнинг уйига бордим. Уйда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Айтдим, “ота-онам келиб қолмаса чиқаман”, деди. Ота-онаси келибди-да, шунга чиқолмаган. Мисолдан кўриниб турибдики, бу ерда яширин фикр топишмоқдаги каби турли қиёслар орқали ифодаланмаган, балки чалғитиб айтилмоқда.

Чалдирмоқ болаларнинг маълум бадий матнга қурилган ҳаракатли ўйини. Чалдирмоқ матнида бирор-бир вазият, ҳолат, воқеа тушунтирилиб, ундаги персонажларнинг ўзаро савол-жавоблари берилади. Савол-жавобда қандайдир фикр, нарса, ҳолат, сон чалғитиб айтилади ва рақибдан уни аниқлаб, айтиб бериш талаб этилади. Чалдирмоқлар болаларни мантиқий фикрлашга, атроф-муҳитни синчковлик билан кузатишга, ҳозиржавобликка ўргатади. Чалдирмоқ атамаси чалдир–чалғит, адаштира феълига “-моқ” кўшимчаси бирикуви орқали ясалган. Худди “топиш +моқ” кўшилиб топишмоқ атамаси ҳосил бўлгани каби. Чалдирмоқларнинг бошқа туркий халқлар, жумладан уйғур ва қорақолпоқлар ўртасида ҳам мавжудлиги бу жанрнинг локал ҳодиса бўлмай, кенг тарқалгани, топишмоқдай қадимдан келаётганлигини исбот этади.

Қорақалпоқ олими Нажип Довқараев қорақалпоқ топишмоқлари ҳақида ёзар экан, икки чалдирмоқни мисол келтиради, лекин бошқалар қаторида

уларни топишмоқнинг тури сифатида талқин этади. Эътиборли жихати шундаки, ҳар икки чалдирмоқ ҳам маълум ўзгаришларни ҳисобга олмаса, ўзбек халқи орасида ҳам айнан айтилади. Чалдирмоқларнинг бирини келтирамиз:

“Бир ғоз учиб келиб, қирда ўтирган ғозларга:

– Ассалом алайкум юз ғоз,— дебди.

Ўтирган ғозлар:

– Йўқ биз юзта эмасмиз, юзта бўлишимиз учун, бизларга тагин шунча, яна шунинг ярмича, яна сен қўшилсанг юзта бўламиз, – дебди.

– Ерда ўтирган ғозлар қанча?

Кўришиб турибдики, мисол чалдирмоқнинг гўзал намуналаридан бири.

Н. Довқараев бу намунанинг қандай вазиятда айтилиши ҳақида маълумотлар келтирмаганлиги сабабли қорақалпоқ фольклорида ушбу жанрнинг ўйин шакли сақланганми, йўқми, аниқ билмаймиз.

Фольклоршунос Баҳодир Саримсоқов чалдирмоқ Лақайлар ўртасида умумхалқ ҳашари бўлаётган пайти ҳашарчилар ёнидан ўтган йўловчиларга қўйилиши ҳолати учраши ҳақидаги фактни айтган эди. Бу ўринда бирор-бир шарт қўйилар экан. Йўловчи чалдирмоқни еча, ўз йўлида кетиши мумкин, мабодо еча олмаса, ҳашарчилар буюрган юмушни бажариши талаб қилинар экан.

Чалдирмоқни қуйиш, ечиш асосида бирор-бир шартнинг ким томонидан бажарилишини аниқлаш ўйин ва ҳашарда чалдирмоқ қуйишни бир-бирига яқинлаштиради, уларнинг ижро ўрни айрича бўлса-да, илдизи бир эканлигини кўрсатади.

Чалдирмоқлар баъзан эртақ, афсона, нақллар таркибида ҳам келади. Бундай ҳолатда чалдирмоқ асар сюжетига сингишиб, жанрга хос ижро ўрнини йўқотади, соф бадий-эстетик вазифа бажаради. Чалдирмоқни қуйиш, ечимини топиш асардаги образлар зиммасига тушади. Мисол тариқасида “Подшо билан чол” нақлини олиб қарайлик:

“Қишнинг куни вазири билан шикорга чиққан подшо балиқ овлаётган чолга дуч келиб, сўрабди:

– Ҳа, ота тўртни учга уролмаяпсизми, қишда балиқ овлаб қолибсиз?

Чол:

– Тўртни учга уришга урдим-у, ўттиз икки қўймади-да.

Подшо:

– Бир ғоз юбораман, патини юла оласизми?

Чол:

– Айтганингиздан зиёда қиламан.

Подшо бу савол-жавобнинг мазмунини вазирдан сўрайди. Вазир лол қолади. Подшо вазирга муддат белгилаб ё жавобни топасан, ё жону молингни берасан, дейди. Вазир подшонинг ғазабидан қўрқиб, катта давлат эвазига чолдан сирли савол-жавобнинг мазмунини сўрайди.

Чол:

– Ҳурматли вазирим, подшонинг “тўртни учга урмадингизми”, дегани, йилда тўрт фасл бор, шунинг уч фасли – баҳор, ёз, кузда яхшилаб меҳнат қилиб, қишда еб ётсангиз бўлмасмиди, дегани. Менинг “ўттиз икки кўймади”, деганим, ўттиз икки тиш еб битирди, деб айтганим. Биз гаплашаётганда сиз ҳайрон бўлдингиз. Подшо буни дарров сезди ва сизга ишора қилиб, “Бир ғоз юбораман патини юла оласизми?”, деди. Мен “Айтганингиздан зиёда қиламан”, деб жавоб қайтардим. Ўша ғоз сиз бўласиз. Мана менинг олдимга келдингиз, бу сирни мол-дунё эвазига билиб олдингиз. Шундай қилиб, доно чол, ақлу фаросати билан бой бўлибди”.

Бу хил намуналарни чалдирмоқ матни қайси жанр таркибида келаётганлигига нисбатан, чалдирмоқли эртак, чалдирмоқли нақл, чалдирмоқли афсона сифатида номланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – T., “Musiqqa”, 2010
2. Madayev O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. T.: “Mumtoz so'z”, 2010
3. Саримсоқов Б., Мақоллар / Ўзбек фольклори очерклари. 1-жилд. - Т.: Фан, 1988. – Б. 85-98.
4. Ўзбек халқ мақолари. - Т.: Фан, 1978.
5. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. - Т., 1990. – Б. 44.
6. Сафаров О. Халқ ганжиги меҳр / Фольклор бебаҳо хазина. - Т.: Муҳаррир”, 2010. – Б. 285-298.

## V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

1. “Ҳофиз Хоразмий ижоди” модулини ўқитишда таълимнинг интерфаол методларидан фойдаланиш
2. “Увайсийнинг ҳаёти ва адабий меъроси” модулини ўқитишда график органайзерлардан фойдаланиш
3. Навоий ва Шекспир ижодини тарихий-қийсий таҳлил методидан фойдаланиб ўқитиш
4. “Ғофур Ғулом ҳаёти ва ижоди” модулини лойиҳа таълим технологияси асосида ўқитиш
5. “Анвар Обиджон ҳаёти ва ижоди” модулини ўргатишда шарҳлаб ўқитиш методидан фойдаланиш
6. Ўқитишнинг амалий методларидан фойдаланиш орқали “Халқ дostonлари” модулини ўргатиш
7. “Образ – инсоннинг адабиётидаги умумлашма тасвири” модулини ўқитишда интеллектуал харитадан фойдаланиш
8. “Мақола, матал ва топишмоқлар” мавзусини гуруҳларда ўқитиш ва график органайзеридан фойдаланиш
9. Лойиҳа технологиясидан фойдаланиб “Хоразм шевалари лексикаси” модулини ўқитиш.
10. “Халқ оғзаки ижоди кичик жанрлари” модулини ўқитишда концептуал жадвалдан фойдаланиш

## VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

**Кейслар учун кейс-стади методи асос саналади.** Зеро “Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921-йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув «Фан»ларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким? (Who), Қачон? (When), Қаерда? (Where), Нима учун? (Why), Қандай?, Қанақа? (What). Нима-натижа

**Модул бўйича қуйидаги кейсларни ечиш мақсадга мувофиқ саналади:**

**1-кейс.** Фолклоршунослик «Фан»ида версия ва вариант тушунчалари мавжуд. Сиз ижронинг қайси ҳолатига вариант ёки версия атамалри тегишли диб биласиз?

Фикрингизни асослаб беринг.

**2-кейс.** Фолклор асарларида ижрочи анъана ва эпик билимга асосланади. Унинг ижро жараёнида туғилган янгиликлари қандай атама билан юритилади ва бу ҳолатга фолклоршуносликнинг муносабати қандай?

Тушунтириб беринг.

**3-кейс.** Фолклор атамаси ғарб илмий оламида биз англаб қабул қилгандан кўра бошқача тушунчаларни ифодалайди. Бу ҳолат нима сабабли пайда бўлди. Қайси бир қарашни тўғ ри деб биласиз?

**4-кейс.** Лирик кўшиқлар таркибидаги олма, рўмол, тол, тоғ, ғоз, ўрдак, оқ, қизил, қора образларининг рамзий маъноларини биласизми, уларнинг бошқа жанрлар таркибидаги туб маъноси лирик кўшиқлар таркибидаги маънога уйғунми, ўзгача бўлса нима сабабли бу ҳолатлар юзага келган?

**5-кейс:** Ушбу топшириқда мақол ва топишмоқлар мисол сифатида келтирилади. Уларнинг мазмуни, ифода шаклидаги уйғун ва фарқли жиҳатлар таҳлил этилади.

Эртаклар асосида кейс яратамиз:

Чол оз юриб, кўп юриб, кўп юрса ҳам чўл юриб, етти кечаю, етти кундуз деганда Лайлаквойнинг уйига бориб етибди. Эшикдан кириб:

Ассалому алайкум, - дебди. Лайлаквой:

Ҳап саломинг бўлмаса, таъзирингни берардим. Сен совға учун келган бўлсанг керак, қани, нима сўрайсан? – дебди.

Нима учун эртақ матнига айнан Чол оз юриб, кўп юриб, кўп юрса ҳам чўл юриб, етти кечаю, етти кундуз деганда Лайлаквойнинг уйига бориб етибди, деган жумла киритилган? Бунинг сабабларини қандай изоҳлайсиз? /Ушбу масаланинг ечимини топинг ва эртақ давомида чол Лайлакдан қандай совға олишини муҳокама қилинг.

/Матндаги қуйидаги лавҳадан олдин қайси воқеа юз берган эди? Ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўринг. Сиз нима деб ўйлайсиз?


Чол қайтиб келиб дастурхонни олибди, йўлга тушибди. Уйига келиб:

Кампир, нима таом десанг, ҳозир тайёр бўлади, - деб дастурхонни ёзибди. “Очил, дастурхон”, деган экан, ҳеч қандай таом чиқмабди.

“Уч оғайни ботирлар” эртагида ота ўз ўғилларига: “Тўғри бўлинг – бежавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг – хижолат тортмайсиз. Дангасалик қилманг – бахтсиз бўлмайсиз”, дейди.

/Савол: Нега айнан ота юқоридаги учта насиҳатни айтган. Ўйлаб кўринг. Ахир бошқа турли хил насиҳатлар қилиши мумкин эди-ку. Эртақда айнан айнан шу 3 та жиҳатга эътибор қаратилган?

Бир замонда бир подшоҳ бор экан, унинг яхши кўрган тўтиси бор экан. Подшоҳ тўтисини шундай яхши кўрар эканки, бир соат кўрмаса туролмас экан.



Мазкур ҳикоя эртақка нима мақсадда киритилган? Чуқур ўйлаб мулоҳаза билдиринг.

Семинар машғулотларида беш минутлик эркин ёзиш, назорат саволлари, тестлар, тарқатма материаллар билан кичик гуруҳларда ишлаш, тадбирлар ишланмасини тузиб келиш каби каби усуллардан фойдаландик. Бизнинг назаримизда, мазкур усуллар дарснинг натижавийлиги ва самарадорлиги ҳамда қизиқувчанликни оширишга хизмат қилади. Бундай усулда дарс ўтганда бутун бир жамоа-ҳам талаба, ҳам ўқитувчи баробар ишлашига гувоҳ бўлдик. Бундай дарслар талабанинг зерикишига йўл қўймайди ва кучларни тенг тақсимлашга хизмат қилади. Айниқса, талабаларнинг ўзидан баҳоловчи эксперт гуруҳлар тузилиши уларнинг ўз-ўзини баҳолашга хизмат қилади. Уларни чинакам педагог сифатида шакллантиришга, мустақил қарорлар қабул қилишга хизмат қилади.

Бугунги таълимнинг меъёрий ҳужжатларида талаба мустақил шуғулланиши учун катта миқдордаги ўқув соатлари ажратилган. Бу табиий ва шундай бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки ўқитувчи бир жуфтликда жуда катта ҳажмдаги материални сиғдира олмайди. Шунинг учун талабаларга мустақил таълимнинг лойиҳасида тестларга жавоб топиш, назорат саволларига жавоблар ёзиб келиш ва аннотация ёзиб келишини режалаштиришни лозим топдик.

Мазкур модулда кейс-стади топшириқларини эртақлардан тузиш талабалар маънавиятига ижобий таъсир кўрсатади. Уларни инсонпарварлик ғоялари билан қуроллантиради. Мазкур кейс-стадилар сунъий эмас, табиийлиги учун ҳам талабага таълимий-дидактик таъсири кучли бўлади.

**Аниқ вазиятларни босқичма-босқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бо‘йича тингловчиларга услубий ко‘рсатмалар**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Маслаҳат ва тавсияномалар</b>
1. Кейс билан танишиш (индивидуал)	Тақдим этилган аниқ вазиятлар билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор



– 3 дақиқа	қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишланганлигини аниқланг.
2. Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш (индивидуал ва кичик гуруҳларда) – 5 дақиқа	Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқланг. ўз фикрингизни гуруҳ билан о‘ртоқлашинг. Муаммони белгилашда исбот ва далилларга таянинг. Кейс матнидаги ҳеч бир фикрни э‘тибордан четда қолдирманг.
3. Муаммо эчимини топиш ва эришиладиган натижани аниқлаш – 7 дақиқа	Гуруҳ билан биргаликда муаммо эчимини топинг. Муаммога доир эчим бир неча вариантда бо‘лиши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиз топган эчим қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳам аниқланг.
4. Кейс эчими учун таклиф этилган ғоялар такдимоти (кичик гуруҳларда) – 5 дақиқа	Гуруҳ билан биргаликда кейс эчимига доир такдимотни тайёрланг. Такдимотни тайёрлашда сизга такдим этилган жавдалга асосланинг. Такдимотни тайёрлаш жараёнида аниқлик, фикрнинг ихчам бўлиши тамойилларига риоя қилинг.

**Кейс эчими учун таклиф этилган ғоялар такдимоти учун чизма намунаси**

<b>Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)</b>	<b>Эчим</b>	<b>Натижа</b>

**Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва  
ко‘рсаткичлари**

Гуруҳлар Рўйхати	Гуруҳ фаол мак. 1 б	Маълумотлар ко‘рғазмали тақдим этилди мак. 2 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди мак. 2 б	Жами мак. 5 б
1	1	1,9	2	<b>4,9</b>
2	0,8	1,8	1,8	<b>4,4</b>
3	0,9	1,8	1,9	<b>4,6</b>

5 балл – “Аъло”, 4 балл – “Яхши”

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
<b>“Адабиёт”</b>	- арабча сўз бўлиб, у “одоб” (кўплик шакли “адаб”) сўзидан олинган.
<b>Анъана</b>	- фольклорда ўтмиш ижодкорлар тамонидан тўплаган ижодий тажрибалар қаймоғи, даврлар ўтиши билан аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган, боқий қадриятга айланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қисми.
<b>Аллегория</b>	- юнонча аллос – ўзгача, агореуо – гапираман – мавхум тушунча ёки ҳодисани конкрет нарса орқали ифодалашга асосланган кўчим тури.
<b>Афоризм</b>	- юнонча апҳорисмос – таъриф, ихчам ифода – муаллифи маълум бўлган, ихчам шаклда ва таъсирли ифода этилган умумлашма фикр.
<b>Бадиха</b>	- арабча сўз бўлиб ўйловсиз, бирданига айтилган чиройли сўз, топқирлик. Аввалдан махсус тайёрланмасдан, дафъатан айтилган шеър; экспромт.
<b>Достон</b>	- Туркий халқлар оғзаки ижодидаги эпик жанр. Халқ оғзаки ижодидаги достонлар воқеабанд сюжет асосига қурилган йирик ҳажмли асарлар бўлиб, улар бахши (оқин, жиров, манасчи)лар томонидан мусиқа (дўмбира, кўбиз ва б.) жўрлигида ижро қилинган, оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган. Бу жараёнда ҳар бир ижрочи ўзидан нимадир кўшган, ниманидир тушириб қолдирган ва шу тариқа достонлар сайқалланиб борган. Халқ ижодидаги достонларнинг матний қурилиши ижрога мос – унда насрий ва шеърий парчалар алмашилиб туради.
<b>Жанр</b>	- Франсузча сўз бўлиб жанре – жинс, тур, хил мазмунини беради. адабий жанр, адабий асарларнинг тарихан шаклланивчи типи, муайян давр миллий ёки жаҳон адабиётида умумий хусусиятлари билан турли кўламдаги гуруҳларни ташкил қилувчи асарларни англатувчи тушунча.
<b>Лирика</b>	- юнонча лйра – мусиқа асбоби, қадимда шеърлар унинг жўрлигида ўқилган – бадий адабиётнинг учта

	асосий туридан бири. Лирикада воқелик лирик субъект ҳис-туйғулари орқали аксланади, унинг учун бадиий нутқ объекти эмас, субъекти бирламчидир.
<b>Миф</b>	- юнонча мйтҳос – ривоят, ҳикоя, масал – халқ оғзаки ижодининг энг қадим даврларида пайдо бўлган, воқелик (олам) ҳақидаги тасаввурларни конкрет образлар воситасида акс эттирувчи ривоявий асарлар. М. ривоявий асарлар (олам ва одам ҳақидаги ҳикоялар) бўлса-да, уларни том маънода сўз санъати ҳодисаси деб бўлмайди. М.лар қадимги одамлар учун тафаккур шакли, улар М. воситасида олам сир-синоатлари (оламнинг ёки инсоннинг яратилиши, қуёш чиқиши ва ботиши, шамол эсиши ва момагулдурак сабаби ва ҳ.)ни билишга интиланлар, М.ларда уларнинг олам ҳақидаги билимлари ўз ифодасини топган.
<b>Мотив</b>	- юнонча мовео – ҳаракатлантираман – мусиқашуносликдан ўзлаштирилган термин. М. мусиқада асарнинг энг кичик шакл бирлиги саналиб, асар унинг айнан такрорланиши (шунингдек, ўзгартирилиши ёки зид М.лар киритиш) асосида ривожланади.
<b>Филология</b>	- грекча сўз бўлиб, пҳило - <i>севаман</i> , логос - сўз, <i>билим</i> демакдир.
<b>Фолклор</b>	- Фолк – халқ, Лоре – билим, донишмандлик, яъни Фолклоре – халқ донишмандлиги маъноларини ифодалайди. Илк маротаба Виям Томс тамонидан европа деҳқонларининг анъаналари, қадимий халқ шеърияти, урф-одат, маросим ва этиқодларини англатувчи атама сифатида қўлланилган. Ўзбек фолклоршунослигида халқ оғзаки ижодини англатади. Айни пайтда халқ ижодиятининг барча турлари ҳам фолклор деб юритилади.
<b>Образ</b>	- сўзнинг ўзаги “раз” (чизик) бўлиб, ундан “разит”(чизмоқ, йўнмоқ, ўймоқ), ундан “образит”(чизиб, ўйиб, йўниб шакл ясамоқ) пайдо бўлган. Ана шу “образит” сўзидан “образ” атамаси вужудга келган. Бу сўз “умуман олинган тасвир” маъносини билдиради. Образ ҳам умумлашган, ҳам

	индивидуаллашган хусусиятни ўзида гавдалантирган ҳодисадир.
<b>Бадийлик</b>	ҳодисаларни ҳаётӣ, жонли манзараларда, кишини таъсирлантирадиган, унда тасаввур уйғотадиган қилиб тасвирлаш. Бадийлик барча санъат турларига хос ҳодиса.
<b>Бадий тўқима</b>	- образнинг ички-ташқи қиёфаси, мақсад, интилишларини намоён этувчи воқеаларни ўйлаб топишдир.
<b>Хаёлий- »Фан«тастик образлар</b>	- романтик образларга ўхшаб кетади. Бу образларда ижодкорларнинг ҳаётга идеал муносабати, дунёқараши ифодаланган бўлади. Хаёлий-»Фан«тастик образлар мўжизавий, илоҳий хусусиятлар эгаси қилиб кўрсатилади. Халқ дostonлари, эртақларидаги қаҳрамонларни хаёлий-»Фан«тастик образлар дейиш мумкин.
<b>Мажозий образлар</b>	- муайян нарсa-ҳодисалар қиёфасини умумлаштириб ифодаловчи рамзий образлардир. Жумладан, сўфиёна адабиёт асарларида ёр дейилганда Худо назарда тутилади. Гул, лола муҳаббат, севги изҳори рамзи саналади.
<b>Аллегорик образлар</b>	- мажозий образларнинг бири саналади. Аллегорик образлар, одатда, масал ва эртақларда бўлади. Масал, эртақларнинг асосий қаҳрамонлари эса ҳайвонлар, жониворлардир. Уларда айрим одамларнинг феъл-атворидаги камчилик, иллатлар кўрсатилади.
<b>Шакл ва мазмун</b>	- воқеа-ҳодисаларнинг ташқи кўринишини акс эттириш орқали уларнинг ички моҳиятини гавдалантириш
<b>Мавзу</b>	- ижодкор танлаган ҳаётӣ воқеалар, у ёритган асосий муаммоларнинг умумлашмаси. Адабий асар учун асос қилиб олинган фикр ва мақсад унинг мавзусидир.
<b>Ғоя</b>	- ижодкор мақсадини бошқариб, унинг қарашлари,

	<p>ходисага ёндашишларини маълум бир изга солиб турадиган ана шу ходиса.</p>
<b>Композитсия</b>	<p>- лотинча <i>сoмпoзитиo</i> сўз бўлиб, “тузилиш, курилиш, таркиб” демакдир. Бадий асар композитсиясига қуйидагича таъриф-тавсиф бериш кенг тарқалган: “бадий асар қисмлари, деталлари, бадий тасвир воситаларининг маълум мақсад асосида муайян тартибда жойлаштирилиши”.</p>
<b>Сюжет</b>	<p>- франсузча “сужет” сўз бўлиб, “нарса, мазмун, мавзу” деган маънони билдиради. Асар мазмунини ташкил этадиган, қаҳрамонлар ўртасидаги алоқа, муносабатлар тизими.</p>
<b>Фабула</b>	<p>- лотинча <i>фабула</i> сўз бўлиб, масал, ҳикоя қилиш демакдир. Бадий асар фабуласи деганда асар учун асос бўлган ҳаётий материал назарда тутилади. “Фабула — асар воқеаларининг мантикий жиҳатдан узвий боғлиқликдаги яхлит силсиласи” ҳам дейилади. Ўз маъно ва моҳиятига кўра бу икки термин бир-бирига синонимик характерга эга бўлиб, ҳозирги адабиётшуносликда <b>сюжет</b> термини фаол қўлланилади. <b>Фабула</b> термини эса аста-секин истеъмолдан тушиб қолмоқда”.</p>
<b>Епос</b>	<p>- лотинча <i>эпoс</i> — сўз, ҳикоя — 1) бадий адабиёт тури (лирика ва драма б-н бир каторда); 2) халқнинг қаҳрамонона ўтмишини акс эттирувчи асар. Эпос тор маънода, халқнинг қаҳрамонона ўтмишини акс эттирувчи асарлардир. Дастлаб эпос қаҳрамонларнинг атроф-оламдаги ёвуз кучлар ва бузуқ ниятли одамларга қарши кураши баён этилган асарларни англатган. Қадимги эпосларда воқеа-ходисаларнинг талқин ва тасвир этилиш йўсини ўша давр кишиларининг дунёқараши, эътиқоди, ишончларидан келиб чиққан. Эпоснинг энг қадимий намунаси сифатида илмда олдинлари ақкадларники деб саналиб келинган, аммо кейинчалик барча туркий халқларга тегишли экани аниқланган «Гилгамиш» достони ҳисобланади. Шунингдек, ҳиндлар-нинг «Рамаяна» ва «Маҳабҳарата»,</p>

	<p>Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея», ўзбекларнинг «Алпомиш», «Гўрўғли», қирғизларнинг «Манас», қozoқлар-нинг «Кўбланди ботир», oзарбайжонларнинг «Кўрўғли», немисларнинг «Нибелунглар ҳақида қўшиқ», испан-ларнинг «Сид ҳақида қўшиқ», фран-сузларнинг «Роланд ҳақида қўшиқ», англосаксонларнинг «Беовулф», карел ва финларнинг «Калевала», арманларнинг «Сосунли Довуд», гуржиларнинг «Амираниани» каби асарлари ҳам халқ қаҳрамонлик эпосига мансубдир.</p>
<b>Етнография</b>	<p>- этно... ва ... графия, этнология, халқшунослик — жаҳондаги барча халқларнинг, этник бирликшшт турли тиилари, уларнинг келиб чиқиши (етногенези), турмуш тарзи, урф-одатлари, моддий ва маънавий тараққиёт даражасидан қатъи назар, тенг ҳолда ўзаро тафовути ёки умумийлиги ва ўхшашлигини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи махсус «Фан» соҳаси.</p>
<b>Тугун</b>	<p>- бадий асарда қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиши. Тугун, кўпинча, қаҳрамонларнинг илк бор учрашуви ёки бирор жиддий муаммо юзасидан тортишиши туфайли пайдо бўлади. Воқеалар тугуни фақат қаҳрамонлар ўртасида эмас, қаҳрамоннинг айнан ўзининг ўй-кечинмалари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.</p>
<b>Воқеа ривож</b>	<p>- сюжетдаги воқеаларнинг маълум тугундан сўнгги ривожланиш жараёни. Тугун тўсатдан юзага келгандай бўлиши мумкин. Бироқ воқеа ривож узок давом этадиган жараён.</p>
<b>Воқеалар кулминатсияси</b>	<p>- асар сюжетидаги воқеаларнинг энг юқорига кўтарилиб, асосий қаҳрамонлар характери, қиёфасини кўрсатадиган эпизод. <b>ечим</b> - сюжет воқеалари ва қаҳрамонлар тақдирининг ҳал бўлишини гавдалантирувчи эпизод.</p>
<b>Муқаддима</b>	<p>- муаллиф ўқувчига ўз мақсад-муддаосини маълум</p>

	қилиб, асари ҳақида тушунтириш, изоҳлар бериши.
<b>Хотима</b>	- қаҳрамонларнинг асар сюжети воқеалари тамом бўлгандан кейинги тақдири ҳақида маълумот берувчи қисми.
<b>Детал</b>	- ижодкор эътиборни қаратган персонажлар кўриниши, қиёфаси хусусидаги мулоҳазалар уларнинг ташқи жиҳатлари ҳақидагина эмас, ички ҳолатлари тўғрисида ҳам муайян тасаввур олиш имконини беради. Бу эса деталлар асосида ҳосил бўлади. Детал қаҳрамон портретини эмас, унинг феъл-атворини кўрсатишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Детал қаҳрамон характер-сажиясини ёрқинлаштиргани сингари, жой манзараларини аниқ гавдалантиришга ҳам асос бўлади.
<b>Пейзаж</b>	- франсузча “пейсаге” сўз бўлиб, “мамлакат”, “жой” деган маънони билдиради. Пейзаж бадиий асарда акс эттирилган табиат манзаралари, воқеа-ҳодисалар кечган жойлар кўриниши тасвиридир. У қаҳрамонлар ҳолат, кайфиятини гавдалантиришнинг муайян воситаси ҳисобланади.
<b>Сайёр сюжет</b>	-илинган асарлар. Сайёр сюжет барча миллий адабиётлар тарихи- бир хил мавзу, бир хил қаҳрамонлар тақдири нақл қ да мавжуд ҳодиса.
<b>Диалог</b>	- юнонча “диалогос” сўз бўлиб, “икки киши ўртасидаги сўзлашув” деган маънони англатади.
<b>Монолог</b>	- ҳам юнонча (монос — бир ва логос — сўз, нутқ) сўз бўлиб, у бадиий асарда иштирок этувчи персонажларнинг ўз-ўзига ёки бошқаларга қаратилган нутқи саналади.
<b>Метафора</b>	- юнонча “метафҳора” сўз бўлиб, “кўчириш” деган маънони англатади. У нарса-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланган бўлади. Бироқ метафора айнан ўхшатиш эмас.
<b>Метонимия</b>	- икки тушунча ўртасидаги яқинликка асосланган



	Ўхшашсиз кўчим. Метонимия юнонча “метономадзо” сўз бўлиб, “қайта номлаш”дир.
<b>Синекдоха</b>	- юнонча “сйнесдоче” сўз бўлиб, унда бир қисм ёки бўлак орқали яхлит, бутун нарса билдирилади ва аксинча. Яъни, бир бутун ҳодиса орқали унинг айрим бўлаги ҳақида мулоҳаза юритилади.
<b>Жонлантириш</b>	- кишиларга хос хусусиятларни жонсиз ва мавҳум нарса-ҳодисаларга кўчиришдир. Масалан, <i>хўмрайган булутлар</i> дейилади. Бунда кишиларга хос хўмрайиш жонсиз булутга кўчирилган бўлади. Асарларда тоғ-тош, шамол, дарахт, мевалар худди одамларга ўхшатиб гапиртирилади.
<b>Сифатлаш</b>	- нарса-ҳодисанинг бирор бир белги, хусусиятини аниқ-равшан алоҳида ажратиб кўрсатишдир. Сифатлаш икки хил бўлади. Биринчиси оддий сифатлаш бўлиб, унда нарса-ҳодисаларнинг ўткинчи белгилари таъкидланади. Иккинчиси, доимий сифатлаш бўлиб, бунда нарса--ҳодисаларнинг доимий хусусиятлари айтилади.
<b>Ўхшатиш</b>	- нарса-буюмнинг маълум бир белгисини бошқа нарса-буюмга солиштиришдир. Ўхшатиш фикрни яққол ифодалаш имкониятини беради.
<b>Муболаға</b>	- нарса-ҳодисаларнинг хусусият, белгиларини кучайтириб, орттириб тасвирлашдир. Муболаға муайян нарса-ҳодисаларни бошқаларидан алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадида қўлланади.
<b>Параллелизм</b>	- икки ёки ундан ортиқ нарса-ҳодисани ёнма-ён қўйиш орқали мазмунни ёрқинлаштириш услуби саналади. Унда нарса-ҳодисалар бир-бири билан муқояса қилинади ёки зидлаштирилади. Ушбу йўл билан фикр аниқлаштирилади, унинг таъсирчанлиги кучайтирилади.
<b>Такрор</b>	- параллелизмга яқин тасвир усули ҳисобланади. Матнда у аниқ кўриниб туради. Чунки такрор айрим сўз, ибораларнинг маълум бир тартиб асосида қайта-

	қайта қўлланишидир. Такрор муайян мақсадга мувофиқ қўлланади. Такрорнинг анафора, эпифора, мисралар такрори сингари кўринишлари бор.
<b>Инверсия</b>	- лотинча “инверси” сўз бўлиб, “ўрин алмаштириш” деган маънони билдиради. Бунда гап бўлаклари грамматика меъёрлари тартибидан фарқлироқ тарзда қўлланади. Инверсия таъкидланмоқчи бўлган фикрга мантиқий урғу бериш, уни кучайтириш, таъсирчанлигини ошириш мақсадида қўлланади.
<b>Риторик мурожаат</b>	- тантанаворлик, кўтаринкилик ёки кесатиш, кучли ғазаб, нафратни ифодалаш учун қўлланадиган хитоб шаклидаги ифода усулидир.
<b>Метрик шеър тизими</b>	- бўғинларнинг узун-қисқалигига, унлилар ҳолатига асосланади. Грек, лотин, араб шеърляти шундай хусусиятга эга.
<b>Тоник шеър тизими</b>	- мисраларда урғусиз бўғин қанча бўлишидан қатъи назар, ритм ҳосил бўлиши, урғуларнинг бир маромда келишига асосланади.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // Халқ сўзи. 2017. 16 январь, №11.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. Т., 2016. 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 104 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 48 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Т.: Ўзбекистон, 2017. 488 б.

### II. Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва кўшимчалар билан). Т., 2014.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1997. 9-сон, 225-модда.

5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 11-12-сон, 295-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбир-корлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил май-даги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомил-лаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789 сонли Фармони

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №-797 сонли Қарори

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Боболардан қолган нақллар. Ёзиб олувчи Раҳматулла Юсуф ўғли. Тўплаб нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳлар муаллифлари Маматкул Жўраев ва Улуғбек Сатторов.—Тошкент: «Фан», 1998.—128 б.

2. Гўрўғлининг тўғилиши. Айтувчи Муҳаммад Жомрот ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи: Малик Муродов. —Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1995. —328 б.

3. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. Ленинград: “Наука”, 1974.

4. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик.–Тошкент: “Фан”, 1995.–144 б.
5. Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида сеҳрли рақамлар.–Тошкент: “Фан”, 1991.– 152 б.
6. Жўраев М. Ўзбек самовий афсоналари.–Тошкент: “Фан”, 1996.–108 б.
7. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси поетикаси. –Тошкент: “Фан”, 2009.
8. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. ИИИ- том. –Тошкент: “Фан”, 1960. –Б.ИЗ8.
9. Мирзаев Т.Халқ бахшиларининг эпик репуртуари.–Тошкент: “Фан”, 1997.–152 бет.
10. Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: “Фан”, 1968.–168 б.
11. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Тошкент: “Фан”.2008. – 410 с.
12. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. -Тошкент, 2013. 314 б.
13. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси.–Тошкент: “Фан”, 1995. –168 б.
14. Олтин бешик. Эртақлар. Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, К. Имомов.–Тошкент: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. –256 б.
15. Олтин олма. Ўзбек халқ эртақлари. Нашрга тайёрловчилар: М. Афзалов, З. Ҳусайнова, Т. Мирзаев. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. –310 б.
16. Саидов М. Ўзбек достонларида бадиий маҳорат.–Тошкент: “Фан”, 1996. –264 б.
17. Сусамбил //Ўзбек халқ эртақлари. Иккинчи жилд. Тузувчилар М.Афзалов, Ҳ.Расулов, З. Ҳусайнова. –Тошкент: Гафур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1996.–Б.8-16.
18. Топишмоқлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1981.–Б.
19. Турдимов Ш. «Гўрўғли» достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. -Тошкент:”«Фан»”, 2011. – 240 б.
20. Турдимов Ш. Этнос ва эпос. -Тошкент:”Ўзбекистон”, 2012. – 96 б.
21. Эшонкул Жаббор. Фолклор: образ ва талқин. -Қарши: “Насаф”, 1999. 160 б.
22. Эшонкул Жаббор. Эпик тафаккур тадрижи. Монография. –Тошкент: “Фан”, 2006.–122 б.
23. Эшонкул Жаббор. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. -Тошкент: “Фан”, 2011. – 304 б.
24. Якка Аҳмад. эгаш Жуманбул ўғли варианты. –Тошкент: Гафур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1994. –

25. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. Илмий тўплам. 2-китоб. – Тошкент: “Фан”, 2010. –172 б.

26. Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик. II-жилд. Тузувчилар: М.И. Афзалов, Ҳ. Расулов, З. Ҳусайнова. –Тошкент: Гафур Гулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1995. –256 б.

27. Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик. III-жилд. Тузувчилар: М.И. Афзалов, Ҳ. Расулов, З. Ҳусайнова. –Тошкент: Гафур Гулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1996.–320 б.

28. Ўзбек халқ поетик ижоди. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1980.–362 б.

29. Ўзбек халқ эртаклари.–Тошкент: “Ўқитувчи”, 1991.–258 б.

30. Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчи Тўра Мирзаев. –Тошкент: «Фан», 1999.– 827 б.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

4. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

5. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

6. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)

7. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

8. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)

9. [www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)

10. [http:// www.dissert.ru/pedagog.html](http://www.dissert.ru/pedagog.html)

11. <http://www.istedod.uz/>

12. [www.scopus.com](http://www.scopus.com)

10. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

11. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)

12. [www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)